

67.09/2)
Т67
✓

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.МЎМИНОВ
НОМИДАГИ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН

**МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ
БОШҚАРИШНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШ АСОСЛАРИ**

Фалсафа ва ҳуқуқ институти
нашриёти

ТОШКЕНТ - 2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.МУМИНОВ НОМИДАГИ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН

**МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ
БОШҚАРИШНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШ АСОСЛАРИ**



**Фалсафа ва ҳуқуқ институти
нашриёти**

ТОШКЕНТ – 2007

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти Илмий Кенгашининг 2007 йил 19 сентябрь 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Топилдиев Б.Р.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Р.Рўзиев. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. –76 бет.

Тақризчилар: ю.ф.н. Н.Имомов
ю.ф.н. М.Чориев

Ушбу ўқув қўлланмада мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келиш асосларининг умумий тавсифи, мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари, ишончли бошқарувга берилган мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва фуқаролик ҳуқуқи муаммоларини ўрганувчилар, суд амалиёти ходимлари ва қизиқувчиларга мўлжалланган.

© Топилдиев Б.Р.

© Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007 й.

К И Р И Ш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш ва уларни изчил ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратиш ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида республикаимизда бозор қонуниятлари билан уйғунликда бир қатор янги иқтисодий-ҳуқуқий механизмлар вужудга келдики, бу муносабатлар мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, субъектларга тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга қаратилди. Бу ҳолат айниқса, бозор муносабатлари ривожланган шароитда амал қилиши лозим бўлган иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг республикаимизда жорий қилиниши билан боғлиқ бўлди. Шу муносабат билан 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига бир қатор янги, ривожланган бозор муносабатлари шароити учун хос бўлган шартномалар киритилди. Бу эса Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, жаҳон ҳўжалик алоқаларига кўшилишнинг асосий шарти сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилган ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи бориचा тўла ҳисобга олиниши кераклигига¹ асосланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш институти ҳам бозор муносабатлари қонуниятларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда амал қила бошлаган янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий институтнинг моҳияти биринчи навбатда бозор муносабатлари шароитида вужудга келган мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини кенгайтириш билан белгиланади. Зеро, мол-мулкни ишончли бошқариш орқали мулкдор ўз мулкидан бегоналашмаган (“узоклашмаган”) ҳолда мулкий ҳуқуқларини амалга оширади ва бу орқали фойда кўради.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида бу муносабатларнинг ўзаро ишончга асосланишини ва бу

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -319 б.

орқали «бўш турган» мол-мулклар фуқаролик-хуқуқий муомалага киритилиши эвазига, бозор муносабатларидаги иқтисодий муомалада моддий неъматлар алмашинуви вужудга келишини кўрсатиб ўтиш лозим.

Мазкур ўқув қўлланмада фуқаролик хуқуқининг ўзига хос янги институтларидан бири ҳисобланган мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари атрофлича таҳлил этилган бўлиб, унда бугунги кунда мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларининг вужудга келиш асослари билан боғлиқ амалий муаммолар ёритилган ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган мулоҳазалар баён этилган.

1. Мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келиш асосларининг умумий тавсифи

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топганидан сўнг ҳаётимизда бир қатор янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келдики, бу ҳолат маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, эркин иқтисодий муносабатлар амал қилишини таъминлади. Бу эса ўз навбатида мулкий муносабатлар тизимида бир қатор янги қоидалар вужудга келишига замин яратди. Айниқса, бозор муносабатлари қонуниятлари ҳисобланган талаб ва тақлиф, рақобат қонуниятлари билан ҳамоҳанг бўлган мулк шаклларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, ҳар кимнинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, мулкдорнинг ўз мулкидан ўз хоҳиш ва манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши каби тамойилларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берди.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкнинг фуқаролик муомаласидаги ҳаракатланиши бозор муносабатлари шароитида шартномалар орқали амалга оширилади. Мол-мулкнинг фуқаролик муомаласидаги ҳаракатланишида анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ҳисобланган оқиди-соғди, ижара, гаров, омонат сақлаш билан бирга, бозор муносабатлари шароитида янги шартномалар ҳам татбиқ этилиши қонун ҳужжатларида белгиланди. Бундай шартномалар жумласига рента, концессия, лизинг, мол-мулкни ишончли бошқариш (трастинг), комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) ва бошқаларни кириштириш мумкин.

Мазкур шартномаларнинг ҳар бири фуқаролик муомаласида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг энг асосий объекти ҳисобланган мол-мулкнинг фуқаролик муомаласида бўлиши, мазкур муомала иштирокчиларининг мол-мулк ҳаракатланиши юзасидан ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби жиҳатларни камраб олади. Ушбу шартномалар орасида эса мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ўзига хос ўринга эгадир.

Мол-мулкни ишончли бошқариш институти хусусида фикр юритганда мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг асоси XII-XIII асрларда Англияда шаклланганлигини ва ҳозирда кўпчилик давлатлар фуқаролик қонунчилигида қўлланилаётган мол-мулкни ишончли бошқаришнинг асосий қоидалари ўша пайтлардаёқ шаклланганлигини айтиб

Ўтиш лозим¹. Зеро, англо-америка ҳуқуқ тизими учун хос бўлган мазкур институт ишончли мулк деб аталиши билан бирга, яъни мол-мулкни ишонишга асосланган – фидуциар (fiduciary ownership) ва траст (trust) номлари билан ҳам кенг тарқалган.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мазкур ҳуқуқий институтнинг вужудга келиши учун асосий сабаблардан бири бу кўчмас мулкдан фойдаланишга нисбатан феодал тусдаги чекловлар, шунингдек ўрта аср Англияси учун хос бўлган ерни черков ва монастр фойдасига ўтказишни таъқиқлаш қоидалари ҳисобланган. Ушбу чекловларни “айланиб ўтиш” учун мол-мулкни ишончли бошқариш институти ўйлаб топилган бўлиб, бунда ер участкасининг мулкдори ва ерда ҳосил етиштирган ва ундан фойда олаётган шахс айнан бир шахс бўлмасдан, формал жиҳатдан мулкдор бир киши ҳисобланса-да, у кўчмас мулкни бошқа шахс манфаатлари учун бошқарар ва иш юритар эди². Бундан ташқари мол-мулкни ишончли бошқариш институтининг вужудга келишида судларнинг аҳамияти катта бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, судлар мулкни учинчи шахс фойдасига ўтказишга нисбатан белгиланган чеклашлардан қочиш маъносида адолат ҳуқуқи нуқтаи назаридан келиб чиқиб шу йўлни танлаган. Кўпчилик вазиятларда ўрта аср Англиясида йирик ер эгаси – рицарнинг узоқ муддатли ҳарбий юришларда бўлиши даврида унинг оиласи, оила бошлиғининг узоқ муддат давомида уйида бўлмаслиги ёки урушда вафот этиши муносабати билан ер участкаси ёки бошқа мол-мулклар рицарнинг оила аъзолари манфаатлари учун бошқарилиши лозим бўлар эди. Шу муносабат билан судлар юқорида айтганимиздек, адолат ҳуқуқи нуқтаи назаридан мазкур ҳуқуқий институтни яратдилар.

Бирок ўша даврлар Англия қонунчилиги мол-мулкни ишончли бошқариш институти қўлланилишини ҳуқуқий тартибга содишга бир неча маротаба ҳаракат қилган, баъзи вазиятларда эса бу институт амал қилишини таъқиқлаган. Мазкур институтга бўлган ҳаётий заруриятлар 1535 йилги Фойдаланиш тўғрисидаги (траст тўғрисидаги) Қонунда белгиланган чекловларни истисно этиш мақсадида судларга мурожаат этишга сабаб бўлди ва судлар бу ўринда мол-мулкни ишончли бошқариш институтининг ривожланишида муҳим ўринга эга бўлди³.

¹ Колосов Д.Ю. Договор доверительного управления имуществом в российском гражданском праве. Автореф. дис. ... к.ю.н. -М.: 2005. -3 с.

² Нарышкина Р.Л. Доверительная собственность в Англии и США. -М.: 1965. -26 с.

³ Коммерческое право зарубежных стран. Под. ред. И. Бушев. -Санкт-Петербург. 2005. -174-175 с.

Г.Ласкнинг фикрига кўра, мол-мулкни ишончли бошқариш дастлабки даврларданок агар кимдир мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлиб, умумий қоидага ва адолат ҳуқуқига кўра, унга билдирилган ишонч ва зиммасидаги бурчдан келиб чиқиб, мол-мулкдан бошқа шахс манфаатлари учун фойдаланса аҳамиятли ҳисобланади¹.

Ўша пайтлардаги мол-мулкни ишончли бошқариш институти-нинг хусусияти сифатида мулк ҳуқуқининг ўзига хос тарзда тақсимланишини кўрсатиб ўтиш лозим. Яъни, бунда мол-мулкни та-сарруф этиш ва уни бошқариш ҳуқуқи бир шахсга, даромаддан фой-даланиш ҳуқуқи эса иккинчи шахсга тегишли бўлади².

Маъжур мулк шаклининг мазмуни шуни англатадики, ишончли мулкни белгилловчи, яъни муассис (settlor) сифатида иштирок этаётган шахс ишончли мулкдор (trustee) деб номланувчи иккинчи тарафга мол-мулкни ўзи кўрсатган бир ёки бир неча шахс – фойда олувчи, яъни бенефициар (beneficiary) манфаатини кўзлаб бошқариш учун топширади³.

Кейинчалик мол-мулкни ишончли бошқариш институтининг ри-вожланиб боришида суд прецедентлари алоҳида аҳамият касб этган. Бироқ, маъжур институтнинг кенг ривожланиши натижасида мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларини тартибга солувчи мах-сус қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Мол-мулкни ишончли бошқариш тўғрисидаги қоидалар Тўплами (Свод) (Restatements of the Law of Trusts) ёки бир қанча штатларда амал қилувчи ишончли бошқарувдаги мулк тўғрисидаги Умумлаштирил-ган қонун ёҳуд ишончли бошқарувнинг алоҳида турларига оид қонунлар шулар жумласидандир⁴.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш институ-тига ўхшаш муносабатлар қитъа ҳуқуқ тизимида ҳам, мусулмон ҳуқуқ тизимида ҳам мавжуд бўлган. Бироқ, бунда мол-мулкни бир шахс томонидан бошқа шахс манфаатлари учун бошқариш ҳолатлари кўпчилик вазиятларда мулкдор – ҳўжайин ва унинг хизматкори ўртасидаги муносабатларда намоён бўлган. Шу билан бирга, вояга етмаган шахсларнинг мол-мулкларини бошқариш ҳам одат ҳуқуқи

¹ Ласк Г. Гражданское право США.-М.:1961.-С.152.

² Гражданское и торговое право капиталистических стран.Под.ред.В.П.Мозолина, М.И.Кулагина. -М.: 1980. С.140.

³ Гражданское и торговое право капиталистических государств/ Под.ред. Е.А.Васильева. -М.:1993. -С.235-236.

⁴ Коммерческое право зарубежных стран.Под.ред.И.Бушев. -Санкт-Петербург, 2005. 220 с.

нормалари асосида яқин қариндошлар ёки давлат органлари томонидан амалга оширилган.

Масалан, “Қуръони карим”да вояга етмаган етимлар ёки ақли норасо шахсларнинг мол-мулкани бошқаришга нисбатан қуйидаги оятлар келади:

“...(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Оллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни, қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз, балки уларни ўша моллардан едириб-қийдиринг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг!

Етимларнинг то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-хушлари жойида эканлигини кўрсангиз молларини ўзларига топширинглар. У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин деб шошилиб еб қўйманглар. (Етимни оталиққа олган киши) агар бой бўлса, (етимнинг мolidан) парҳез қилсин. Борди-ю, камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни, қилинган хизматига яраша) олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганларингизда эса, гувоҳ келтиринглар. Оллоҳнинг ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир”.¹ (“Қуръони карим”, 4-суранинг 5-6 - оятлари).

Ўша даврлардаёқ жони узилаётган мусулмон ўзидан қолаётган мол-мулкни бошқаришни ҳамда етим болаларига кўз-қулоқ бўлиб туришни кимгадир васият қилиб кетиши мумкинлиги ва бу ишни ўз зиммасига олган киши қандай йўл тутиши лозимлиги “Қуръони карим” да мустақкамлаб қўйилган. Қуйидаги оятни эса ваъдасига вафо қилмайдиган «ишончли бошқарувчи»ларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларига мисол қилишимиз мумкин: “Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар” (“Қуръони карим”, 4-суранинг 10-ояти).²

Мамлакатимизда бу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши ва амалга киритилиши билан вужудга келди. Бироқ, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларига ўхшаш ҳолатлар илгари васийлик ва ҳомийлик остидаги мол-мулкка васий тайинлаш ҳолатларида ҳам кузатилган. Масалан, 1963 йилги Гражданлик кодекси бўйича бедарак йўқолган фуқаронинг мулкани кўриклаш ва

¹ Қуръони Карим. 4-сура, 5-6 оятлар.

идора этиш (19-модда), васиятнинг ижро этилиши (597-модда) ва 1991 йил 19 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонунининг 7-бўлими (мазкур Қонун 2000 йил 15 декабрда ўз кучини йўқотган).

Лекин, бунда фуқароларга тегишли мулк асосан шахсий мулк бўлганлиги сабабли ҳам мазкур институт ўз ўрнида татбиқ этилмаган. Шу билан бирга, бу ҳолатларда мол-мулкни ишончли бошқаришнинг фуқаролик-ҳуқуқий элементлари кузатилмаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Зеро, бедарак йўқолган фуқаронинг мол-мулкига бошқарувчи тайинлангандан сўнг у билан шу ҳақда шартнома тузилиши ҳолатлари мавжуд бўлмаган. Амалдаги фуқаролик қонунчилиги эса бу ҳолатларда бошқарувчи маъмурий тартибда тайинланса-да, у билан ишончли бошқариш муассиси ҳисобланган давлат органи ўртасида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тузилиши лозимлигини белгилайди.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулк соҳиби – мулкдор ҳар доим ҳам ўз мол-мулкига эгалик қилиш, уни бошқариш ва ундан унумли, самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлавермайди. Биринчи навбатда бундай “номутаносиблик” мулкдорнинг мол-мулкни бошқаришдаги укувсизлиги, малака ва билимнинг етишмаслиги билан баҳоланса (йирик корхона, қимматли қоғоз, мутлақ ҳуқуқларни бошқариш ўзига хос билим ва малакани талаб қилади), иккинчидан, мулкдор мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ расмийликлар билан шуғулланишни истамаслиги ва шу каби бошқа омиллар боғлиқ бўлади. Баъзи назиятларда эса мулкдор ўзига тегишли мол-мулкни мустақил бошқариш имкониятига эга бўлмайди (вояга етмаган шахснинг мол-мулкига васий тайинлан) ёки қонун томонидан унинг имкониятлари ўзига хос равишда «чскланади» (масалан, махфий васиятнома эълон қилиниш муддатигача мол-мулкни ишончли бошқарувчига топширилиши). Шу муносабат билан мулкдор ўз мол-мулкни ўзидан бегоналаштирмаган ҳолда ундан самарали ва оқилона фойдаланиш учун ишончли бошқаришга топширади. Бунда рентадан фарқли равишда мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтиб кетмайди ва ишончли бошқарувчи фақатгина “бошқарув хизмати”ни амалга оширади.

Шу ўринда мол-мулкни ишончли бошқариш институти (тарст)нинг инглиз-америка ҳуқуқ тизими ва қитъа ҳуқуқ тизимида қўлланилишидаги фарқли жиҳатларга эътибор қаритиш лозим бўлади. Зеро, биз мол-мулкни ишончли бошқаришни қитъа ҳуқуқ тизими

қонунчилиги, хусусан, шу ҳуқуқ тизимиға мансуб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида фуқаролик-ҳуқуқий тартибға солинишни таҳлил этамиз.

Ҳуқуқшунос олимлар И.Б.Зокиров ва А.А.Ивановларнинг фикрича, инглиз-америка ҳуқуқ тизимида мулкни талқин этишнинг асосий жиҳати бўлинган (иккиланган) мулкнинг мавжудлиги ҳисобланади. “Бир ашёға – битта мулк ҳуқуқи” тамойили бу ўринда амал қилмайди. Бунинг ўрниға бир неча шахсларни бир ашёға нисбатан мулк ҳуқуқининг мазмуни ва миқдори иштирокчиларнинг келишуви орқали белгиланиши тамойили белгиланган. Қитъа ҳуқуқида эса ашёвий ҳуқуқлар турлари ва мазмуни объектив ҳуқуқда қайд этилган бўлиб, бу эса ҳар иккала тизим ўртасидаги фарқни яққол кўрсатади¹.

Мазкур фикрларни давом эттириб таъкидлаш лозимки, қўпчилик вазиятларда инглиз-америка ҳуқуқ тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш институти мулкнинг алоҳида шакли сифатида эътироф этилади ва қўпчилик вазиятларда бу муносабатдаги иштирокчилар тўлақонли мулкдорлар сифатида қаралади. Масалан, муассис мол-мулкни ишончли бошқарувға бергандан сўнг ишончли бошқарувчи мулкдорнинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Бироқ, унинг мулкый ҳуқуқлари адолат ҳуқуқи ва фойда кўрувчи (мулкдор – муассис) ҳуқуқлари нуктаи назаридан чекланади. Яъни, бунда ишончли мулкдор мол-мулкни сотиши, уни гаровға қўйиши ёки бошқача усулда уни тасарруф этиши учун муассис мулкдорнинг розилиги талаб этилади. Мазкур чекловлар мавжудлигига қарамасдан ишончли мулкдор ҳам мулк ҳуқуқи эгаси ва соф маънодаги мулкдор ҳисобланади, бинобарин, унга топширилган мол-мулкни муассис ҳам ўз ҳолича мустақил тасарруф этиши мумкин бўлмайди.

Қитъа ҳуқуқ тизимида эса, биринчи навбатда ишончли бошқарувға берилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ишончли бошқарувчига ўтиб кетмаслиги қондаси қатъий белгиланган бўлади ва бунда мол-мулк ишончли бошқарувға ўзига хос хизмат кўрсатиш учун шартнома асосида берилади. Масалан, ФКнинг 849-моддаси 2-қисмида мол-мулкни ишончли бошқаришға топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмаслиги қондаси белгиланган.

Қитъа ҳуқуқ тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш муайян маънода “хизмат кўрсатишнинг бир кўриниши” сифатида қаралади.

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дасрлик. I қисм. –Т.:2006.ТДҲОИ.-47 б.; Гражданское право: Учебник. Ч.2./ Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: 2003. –90 с.

Яъни, бунда бир шахс иккинчи шахсга тегишли мол-мулкни унинг ёки у кўрсатган шахснинг фойдасини кўзлаб бошқариш хизматини амалга оширади.

Агар инглиз-америка тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш мулкдор томонидан мол-мулк ишончли бошқаришга берилганлиги шунчаки айтиш орқали амалга оширилса (агар ишончли бошқарувга берилаётган мол-мулк кўчмас мулк бўлса, бундай “айтиш” ёзма равишда амалга оширилади)¹ ёки муассиснинг хоҳишига кўра ишончли бошқарувчи тайинлаш ва мулкни ишончли бошқарувга бериш ҳақидаги таъсис далолатномаси тузиш йўли² билан вужудга келса, қитъа ҳуқуқ тизимида муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган шартнома орқали вужудга келади.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инглиз-америка ҳуқуқ тизимида мол-мулкни ишончли бошқариш ўзига хос ашёвий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланса, қитъа ҳуқуқ тизимида бу мажбурийат - ҳуқуқий муносабатлари сифатида шакллантирилган.

Таъкидлаш лозимки, агар мулкдор ўзига тегишли мол-мулкдан ўзи фойдаланса, унда мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинadиган барча даромадлар унга тегишли бўлади. Бироқ, бу ҳолатда мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ҳам мулкдорнинг ўзида бўлиши мулкдор ўз мулкни асраб - авайлаши ва сақлаши лозимлигини англатади. Мол-мулкни ишончли бошқариш институтида эса мулкдор мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфини бошқа шахсга ўтказган ҳолда даромад олиш имкониятига эга бўлади. Бунда мол-мулкни эгаллаш, уни сақлаб туриш, тез емирилиш ва бошқача усулда нобуд бўлишининг олдини олиш каби “ташвишлар” бошқа шахс – ишончли бошқарувчи зиммасига топширилади ва унинг мана шу хатти -ҳаракатлари билан бирга, мулкдорга ёки у кўрсатган шахсга даромад келтирганлиги учун мукофот берилади.

ФКнинг 849-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли бўлади. Мазкур нормадан шунинглаш мумкинки, ишончли бошқарувчи мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ташкил этувчи уч асосий элемент – эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф

¹ Бу ҳолат кўпроқ АҚШда траст белгиланишига мансуб./ Коммерческое право зарубежных стран./ Под.ред. И.Бушев. -Санкт-Петербург, 2005.-220 с.

² Таъсис далолатномасини тузиш орқали трастни вужудга келтириш Англия ҳуқуқига хос./ Коммерческое право зарубежных стран./Под.ред.И.Бушев.-Санкт-Петербург, 2005.-176 с.

этиш ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бироқ, мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ишончли бошқарувчида мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтирмайди. Бу эса мол-мулкни ишончли бошқаришнинг ўзига хос мажбурият муносабати сифатида ҳар доим муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилайди.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, мол-мулкни ишончли бошқариш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

- мол-мулкни ишончли бошқариш деганда, бошқарувчининг ўз номидан мулкдорнинг ваколатларини ёки бошқа шахслар (бошқарув муассислари)нинг ҳуқуқларини улар ёхуд улар томонидан кўрсатилган шахслар манфаатларини кўзлаб самарали амалга оширишга қаратилган фаолияти тушунилади.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни бошқариш муносабатлари қўпчилик ҳолатларда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси асосида вужудга келади. Шу муносабат билан мазкур ҳуқуқий институтнинг моҳияти ва мажбуриятлар тизимидаги ўрнини мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасинининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш орқали очиқ бериш мумкин.

ФКнинг 849-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади. Мазкур шартномага мувофиқ, ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш юзасидан ўзига хос ваколатларга эга бўлади ва уни амалга ошириш юзасидан учинчи шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга киришади. Бу ҳолат ишончли бошқарувчи мақомининг мулкий муомала иштирокчиларига юридик хизмат кўрсатувчи бошқа шахслар, вакил, воситачи ва агент мақоми билан ўхшаш эканлигини англатади. Бироқ, топшириқ, воситачилик ва вакиллик шартномалари билан ўхшашлик жиҳатига эга бўлса-да, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси воситачилик хизматини кўрсатиш шартномалари гуруҳига кирмайди, ушбу шартнома хизмат кўрсатиш бўйича ўзига хос мажбуриятларни ифодаловчи фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг муस्ताқил тури сифатида намоён бўлади.

Маълумки, муайян ҳуқуқий муносабат вужудга келиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланиши, субъект ваколатларининг ўзгариши

ски муносабатнинг бекор бўлиши ўз-ўзидан табиий ҳолатда амалга ошмайди. Мазкур ҳолатлар содир бўлиши учун ўзига хос асослар, сабаблар ва омилилар бўлиши талаб этилади. Бундай асослар, сабаблар ва омилилар жумласига ижтимоий ҳаётда рўй берадиган турли воқеа-ҳодисалар, шахсларнинг субъектив хатти-ҳаракати, турли хилдаги бошқа унсурлар киради.

Ҳуқук назариясида ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирадиган, ушартирадиган ва бекор қиладиган ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар, шахсларнинг хатти-ҳаракатларига юридик фактлар дейилади. Юридик фактлар ҳар қандай ҳуқуқий муносабатни вужудга келиш асоси сифатида қаралади. Шу жумладан, ўзига хос фуқаролик-ҳуқуқий муносабат ҳисобланган ишончли бошқариш муносабатларининг вужудга келишида ҳам муайян юридик фактлар бўлиши лозим бўлади. Зеро, ишончли бошқариш муносабатлари ҳам фуқаролик қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда вужудга келади ва ўз-ўзидан табиий жараёнлар мазкур турдаги муносабатни вужудга келтирмаслиги билан тусланади.

Ишончли бошқариш институтининг вужудга келиш асослари бевосита ФКда белгилаб қўйилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро, қонун мазкур ҳуқуқий институтни вужудга келтирувчи асосларни ўзида ифодалаб беради.

Фуқаролик ҳуқуқидаги бошқа шартномалардан фарқли равишда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини вужудга келиш асослари қонунда тўғридан-тўғри ифодаланганлигини ўзига хос субинститут сифатида талқин этиш мумкин. Зеро, ФКда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасидан ташқари бошқа шартномаларнинг вужудга келиш асослари алоҳида модда ва бандларда ифодаланмаган.

ФКда кўзда тутилган муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасидаги шартнома билан бирга суд қарори, васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар асосида тузиладиган шартнома мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг вужудга келишига кўра алоҳида турлари ҳисобланади. Чунки, ФКда белгиланган барча асосларга кўра мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тузилади. Гарчи, шартнома ихтиёрий келишув асосида эмас, ваколатли давлат органининг қарори ёхуд вафот этаётган шахснинг хоҳиши асосида вужудга келаётган бўлса-да, унинг мазмуни- моҳияти, шартлари умумий

қоидага бўйсунди ҳамда вужудга келиш асосидан қатъий назар, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳисобланади.

О.С.Иоффенинг фикрича, институт -- ҳуқуқ тизимида нормадан кейинги ўринда турмайди, бироқ биринчиси ҳам эмас, ундан кейин ҳам ҳуқуқ тизимида мустақил тузилмалар институт таркибида ҳам учрайди¹. И.Б.Зокировнинг фикрига кўра, ҳуқуқ институти деганда, унчалик йирик бўлмаган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси мажмуи тушунилади. Фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ҳам ўз навбатида янада бўлақларга бўлинган ҳолда тизимлашади. Ушбу қисмлар субинститутлар деб аталади. Айни вақтда субинститутлар ҳам тартибга солувчи муносабатлари бир хиллиги ва ягоналиги билан ажралиб туради². Баъзи олимларнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий институтлари деганда, фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг улар тартибга солувчи ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турларидан келиб чиқиб, гуруҳларга бириктирилиши тушунилади³.

Г.Н.Шевченконинг таъкидлашича эса, субинститут – институт таркибида шаклланувчи нисбатан мустақил тузилма бўлиб, институт доирасида тартибга солувчи алоҳида турдаги муносабатларнинг хусусиятларини ифодалайди⁴.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий институт ва субинститут муайян узвийликка эга бўлиб, улар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида гуруҳларини ҳамда мутаносиб равишда кичик гуруҳларини тартибга солишга хизмат қилади. Шу жумладан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг вужудга келиш асосларига кўра турларига бўлинишини ҳам шартномалар тизимидаги ўзига хос субинститут сифатида талқин этиш мумкин.

Е.С.Пьянўхнинг фикрича, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини вужудга келишининг қонунда кўзда тутилган асослари (муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасидаги мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бундан истисно)да бошқарув муассиси мулкдор эмас бошқа шахслар (васийлик ва ҳомийлик органи, нотариус, васият ижрочиси) бўлади. Фақатгина ҳомийлик остидаги шахсгина

¹ Иоффе О.С. Структурные подразделения системы права (на материалах гражданского права)//Ученые записки ВНИИСЗ. 1968.№14.-С.51.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқининг тизими ҳақида айрим мулоҳазалар//«Фуқаролик ҳуқуқининг тизими ҳақида айрим мулоҳазалар» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Т.:2007.-11 б.

³ Гражданское право. Учебник. ч.1./Под ред Сергеева А.П., Толстого Ю.К. (авт. Этой главы Егоров Н.Д.). -М.: Проспект. 1998. -25 с.

⁴ Шевченко Г.Н. Документарные и бездокументарные ценные бумаги в современном гражданском праве.//Журнал российского права.2004.№9.-С.35.

ҳомийнинг ёрдами ҳомийлик остидаги шахснинг ўзи томонидан имонлигида!

Ушбу фикрларни давом эттириб, мол-мулкни ишончли бошқаришнинг васиятнинг ижрочиси, васийлик ёки ҳомийлик органи, суднинг қарори асосида вужудга келишида бошқарув муассисининг ҳуқуқий ҳолати мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасидаги муассиснинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилишини ва бундай фарқлар қуйидагиларда намоён бўлишини таъкидлаш лозим:

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасидаги бошқарув муассиси одат ишончли бошқарувга берилаётган мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланади, ишончли бошқарувни вужудга келтирувчи бошқа асосларда эса бошқарув муассиси мулкдор бўлмаган учинчи шахслардир;

- мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасидаги мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкни ишончли бошқарувга бериш ваколати бевосита объектив асосларга таянади. Яъни, ФКнинг 164 ва 207-моддаларига мувофиқ, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкни ўз хоҳиши ва манфаатларидан келиб чиқиб тасарруф этиши, яъни унга эътибор қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши (ишончли бошқарувга бериши) мумкин. Ишончли бошқаришнинг шартномадан бошқа асосларда вужудга келишида эса, бошқарув муассиси ўзига тегишли бўлмаган мол-мулкка нисбатан бундай ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириши эса қонун ҳужжатларида белгилаб қуйилган ҳоллардагина мумкин бўлади;

- шартнома асосида мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келганда муассис ўзининг субъектив фуқаролик ҳуқуқини амалга оширади. Зеро, муассис – мулкдор ўзига тегишли мол-мулкни ўз хоҳишига кўра ишончли бошқарувга бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин. Унинг бу ҳуқуқи соф субъектив ҳуқуқ сифатида амалга оширилганда, мулкдор ўз хоҳиши ва манфаатларидан келиб чиқиб бошқарув муассисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ишончли бошқарув шартномадан бошқа асосларда вужудга келганда эса, бошқарув муассисининг ваколатлари ўзига хос мажбурият сифатида қаралиши ҳам мумкин. Зеро, бундай бошқарув муассиси мол-мулкка нисбатан ишончли бошқарувчини қонун белгиланган талаблар ва шартлар асосида тайинлайди. Қонун ҳужжатларида белгиланиши тақиқланган ва манфаатлари қарама-қарши бўлган ёхуд ижтимоий, ахлоқий нуқтаи

¹ Пьяных Е.С. Сущность и социальная значимость доверительного управления имуществом, возникающего по основаниям, предусмотренным законом.//Юрист.2006.№1. -С.10.

назардан “ишончсиз бўлган” шахсни суд, нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи тайинлаши мумкин эмас¹, бироқ мулкдор ўзи хоҳлаган ҳар қандай шахс (вояга етган ва муомалага лаёқатли фуқаро, юридик шахс) ни ишончли бошқарувчи қилиб тайинлай олади;

- шартнома асосида ишончли бошқарув вужудга келганда муассис фойданинг ҳаммасини ёки бир қисмини ўзига олиши мумкин ва фойдани қандай таксимлаш унинг ҳуқуқи ҳисобланади (масалан, мулкдор-муассис фойдадан ишончли бошқарувчининг ҳисобига воз кечиши ҳам мумкин). Суд, нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи бошқарув муассиси бўлганда эса, фойдани олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Фақатгина бу органлар шартнома асосида фойда тегишли шахсга берилишини қонун асосида белгилаб бериш ваколатига эга бўлишади. Яъни, мулкдор-муассис каби фойдадан воз кечиш, уни ўзи истаган одамга ўтказиш ҳуқуқларига мазкур органлар эга бўлмайди;

- ишончли бошқарувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги вужудга келганда шартномадан бошқа асосларда мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келган ҳолатлардаги каби муассис зарарни ўзининг фойдасига ундиришни талаб қила олмайди. Чунки, бунда улар (суд, нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи) га ҳеч қандай мулкий зарар етказилмайди, аксинча мулкдор-муассисга эса реал мулкий зарар етказилади ва у зарарни ўзининг фойдасига қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Мазкур вазиятда бошқарув муассиси бўлган юқоридаги органлар учинчи шахслар (васийлик остидаги шахс, бедарак йўқолган фуқаро, ворис) нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳисобланди ва зарар етказилса, шу шахсларнинг фойдасига ундирилишини талаб қилишга ҳақли бўлади²;

- ишончли бошқарувчининг айби туфайли учинчи шахсларга зарар етказилганда шартнома асосида ишончли бошқарувчи вужудга келишидан фарқ қилиб, шартномадан бошқа асосларда ишончли бошқариш вужудга келганда, ундирув бошқарув муассисининг мол-мулкига қаратилмайди. Чунки бу вазиятларда бошқарув муассиси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган асосларда фойда олувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва уларнинг манфаати фойда олувчининг мол-мулкни сақлаб қолиш ва кўпайтирилишини таъминлашга қаратилади. Шу билан бирга, суд, васийлик ва ҳомийлик ор-

¹ Бунда васиятнинг ижроси тайинланган васиятномада ҳам вафот этаётган шахс мулкдор сифатида ҳар қандай шахсни ишончли бошқарувчи сифатида кўрсатишини эслан чиқармаслик лозим. Зеро, васиятномада ишончли бошқарувчи шахси аниқ кўрсатилган бўлса, суд ёки нотариус уни ўзгартиришга ҳақли бўлмайди.

² Пьяных Е.С. Сущность и социальная значимость доверительного управления имуществом, возникающего по основаниям, предусмотренным законом. //Юрист.2006.№1.-С.10.

инлирининг оммавий-ҳуқуқий тузилмалар жумласига киришини ҳам унутмаслик лозим. Бу тузилмалар эса ўзларига тегишли мол-мулк билан маъқур назиятда жавобгар бўлмайдилар. Худди шундай нотариусга ва насият ижрочисига нисбатан ФКнинг 859-моддаси 4-қисмида белгиланган, бошқарув муассисининг жавобгарлиги қондаси қўллашмайди:

мол-мулкни ишончли бошқариш шартномадан бошқа асосларни вужудга келганда бошқарув муассиси шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли бўлмайди. Бирок, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар (ишончли бошқарувчининг ўз мажбуриятини бажармаганлиги) бундан мустасно.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган асосларга кўра тузилганда маъқур шартнома ўнга хос субинститутнинг таркибий қисми сифатида бир томонламалик тусига эга. Зеро, бу асосда тузилган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси социал тусга эга бўлади, ҳамда ишончли бошқаришни амалга оширган шахс ФКнинг 849-моддаси талабларидан бошқарув муассисининг ҳақ тўлаш мажбурияти борлиги англашилмайди. Масалан, васийлик ёки ҳомийлик органининг қарори асосида тузилган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси текинга тузилади. Чунки, умумий қоидага кўра, васийлик ва ҳомийлик масалалари бепул амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомнинг 2-қисм 20-банди).

Мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келишининг шартномадан бошқа асослари учун хос бўлган яна бир хусусият – бу шартнома бекор бўлганда мол-мулкнинг бошқарув муассисига қайтарилмаслигидир. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мулкдор – муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузилганида шартнома бекор бўлгач, ишончли бошқарувга топширилган мол-мулк мулкдор-муассисга қайтарилиши лозим бўлади, муассис – суд, нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи бўлган ҳолатларда эса мол-мулк шартнома бекор бўлгач, уларга қайтарилмайди. Зеро, бу органлар мол-мулк мулкдори ҳисобланмайди. Фақатгина бу ўринда маъқур органлар мол-мулкдан фойда олувчи шахсга қайтарилишини таъминлайдилар, холос. Зеро, мол-мулкни шартномадан ташқари асосларда ишончли бошқарувга беришнинг асосий мақсади ҳам мулкдор аниқлангунга (васият ижрочиси тайинланган васиятномада), мулкдор топилгунга

(фуқаро бедарак йўқолганда суднинг қарори билан) қадар, маълум муддат ўтгач (васийлик ва ҳомийлик остидаги вояга етмаган шахснинг 18 ёшга тўлиши ёки касал фуқаронинг соғайиши) мол-мулкни саклаш ва кўпайтириш ҳисобланади. Мазкур қоида Германия фуқаролик қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган¹.

ФКнинг 850-моддасида мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келишининг бешта асоси кўрсатиб ўтилган. Мазкур асосларнинг ҳар бири алоҳида, мустақил юридик факт (бешинчи асос сифатида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар белгиланганлиги, санаб ўтилган барча асосларнинг бир-биридан фарқ қилувчи юридик фактлар эканлигини англатади) сифатида ФКда эътироф этилади. Бироқ, мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келиши асосларининг бундай бўлиниши бир қатор баҳсли ҳолатларни юзага келтиради. Биринчи навбатда ФКнинг 850-моддасида кўзда тутилган биринчи ва иккинчи асосларнинг битим эканлиги, иккинчидан эса, васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан ташқари давлат органларининг қарори ҳам мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келтириш асоси бўлиши мумкинлиги (бирок, бу асос ФКнинг 850-моддасига киритилмаган), учинчидан, асос сифатида умумий ва мавҳум тарзда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа юридик фактларнинг белгиланиши мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келтирувчи асосларнинг ўзига хос қатъий тартиби мавжуд эмаслигини англатади. Умумий маънода, ФКнинг 850-моддасида белгиланган мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келтириш асосларини шартномавий ва қонуний асосларга бўлиш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асосига кўра, шартномавий ва қонуний асосларга бўлиниши кўплаб ҳуқуқий адабиётларда белгиланган. Хусусан, И.Б.Зокировнинг таъкидлашича ваколат қандай асосларда вужудга келишига қараб, вакиллик икки турга: қонун бўйича вакиллик ва шартнома бўйича, ихтиёрий вакилликка бўлинади².

А.П.Сергеевнинг фикрига кўра, вакилда муайян ваколатларнинг вужудга келишини қонун биринчи навбатда ваколат берувчининг эрк-иродаси билан боғлайди, шу билан бирга, вакиллик вужудга келиши учун қонунда белгиланган юридик фактлар бўлиши лозим³.

¹ Книпер Р. Назначение гражданского права: защита субъективных прав или инструмент товарооборота?// Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства. Материалы международной научно-практической конференции. -Т.:2005. -104 с.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дасриқ.1 қисм.-Т.:2006.Т.ДЮИ.-193 б.

³ Гражданское право. Т.1/Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект.2003.-325 с.

Айнан шу маънода, мол-мулкнинг ишончли бошқаришни вужудга келиши асосларини ҳам шартномавий ва қонуний асосларга ажратган ҳолда талқин этиш мақсадга мувофиқ. Бундай бўлиниш биринчи навбатда ишончли бошқаришга топширилаётган мол-мулкни ҳуқуқий тартибни белгиласа, иккинчи навбатда эса, ишончли бошқаришнинг муҳим шартларини (ФКнинг 853-моддаси) белгилашда, тартиблар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат мазмунини аниқлашда муҳим ўрин тутати.

Агар мол-мулкни ишончли бошқариш муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёки васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома (ФКнинг 850-моддаси 1-2-бандлари) асосида вужудга келса, у ҳолда ҳуқуқий муносабат иштирокчилари шартнома шартларини шакллантиришда, ҳуқуқий муносабат мазмунини шакллантиришда тарафлардан бири суд, васийлик ёки ҳомийлик органи бўлгандагига нисбатан эркинроқ ҳаракат қилиш имконига эга бўладилар¹. Яъни, улар қонунда кўзда тутилган ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида белгиланиши лозим бўлган шартлардан ташқари ўзларининг талаблари (тарифлардан ҳар бирининг исталган (қонунга зид бўлмаган) талаби асосида) билан шартномага муҳим шарт сифатида у ёки бу қоида киритиш имконига эга бўладилар. Бундай эрк-ироданинг ифодаси мол-мулкни ишончли бошқариш суд қарори, васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори асосида вужудга келганда намоён бўлмайди. Суд, васийлик ёки ҳомийлик органи ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатли давлат органи мол-мулкни ишончли бошқариш муассиси сифатида иштирок этаётганда ишончли бошқарувчига нисбатан қонун ҳужжатларида кўзда тутилганидан ортиқча талаб қўйишга ҳақли бўлмайди. Зеро, улар давлат органи сифатида қонунда белгиланганидан ортиқчасини талаб этишга ҳақли эмаслиги билан чекланган ваколатли субъект сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида иштирок этадилар. Бундай чекланганлик уларнинг ваколатларини қонун қатъий белгилаганлиги билан ифодаланади.

¹ Албатта, мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келишининг барча асосларида ҳам ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ФКнинг 853-моддасида кўрсатилган шартлар доирасида шартнома мазмунини шакллантирсалар ҳам, ФКнинг 850-моддаси 1-ва 2-бандларида кўзда тутилган асосларда мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келганда тарафларнинг эрк-иродасидан келиб чиқиб, қўшимча шартлар ҳам шартноманинг муҳим шарти сифатида ифодаланиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномавий асосларда вужудга келганда эса, ишончли бошқариш муассисининг ваколатлари кенгроқ бўлиб, у ФКнинг 853-моддасида белгиланган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартларига қўшимча равишда бир қатор шартларни муҳим шартлар сифатида киритиш ваколатига эга бўлади ва бунда биз шартноманинг мазкур субъектини ушбу ҳуқуқий муносабатнинг тўлақонли субъекти сифатида эътироф этишимиз мумкин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келиши асосларининг шартномавий ва қонуний асосларга бўлиниши ушбу ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий табиатини аниқлашда, уни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос механизмини белгилашда ва мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатлари шартларини шакллантиришда белгиловчи омил сифатида аҳамиятлидир.

Мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келиш асослари хусусидаги бошқа давлатлар фуқаролик қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, Қозоғистон Республикаси Гражданлик кодексининг 883-моддаси иккинчи қисмида бу асослар қуйидагича белгиланган:

1) битимлар (хусусан, шартнома бўйича, васиятнома ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома);

2) суднинг қарори (банкротликда, муомалага лаёқатсиз шахснинг, бедарак йўқолган ёки вафот этган фуқаро мол-мулкига васийликнинг тайинланиши қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа асосларда);

3) маъмурий ҳужжат (вояга етмаган шахснинг ёки вафот этган шахснинг мол-мулкига васийликнинг тайинланиши, тадбиркорнинг давлат хизматиغا олиниши ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа асосларда).

Албатта, Қозоғистон Республикаси Гражданлик кодексидagi мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келиши асосларининг шу тарзда белгиланишини ҳам тўлиқ ва изчил механизмни ифодалаган, деб бўлмайди. Зеро, шартнома васиятноманинг битта асоси сифатида, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахсларнинг мол-мулкига тайинланадиган ишончли бошқарувнинг ҳам суднинг қарори ва маъмурий ҳужжат сифатида ажратиб ифодаланиши, маъмурий ҳужжатлар жумласига банкротлик, тадбиркорнинг давлат хизматиغا олишининг киритилиши ҳам баҳссталаб ҳисобланади.

Фикримизча, мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асосларини белгилашда шартнома, васиятнома, суднинг қарори,

насиёлик ва ҳомийлик органининг қарори билан бирга ваколатли давлат органларининг қарори асосида оммавий мулк объектларининг ишончли бошқарувга берилиши ҳам ҳисобга олинади ва ФКнинг 850-моддасига “ваколатли давлат органининг қарори”ни ҳам киритиш лозим. Ваколатли давлат органларининг қарори асосида давлатга тегишли мол-мулкларни ишончли бошқаришга бериш ҳолатлари ҳозирги кунда мамлакатимизда кенг қўлланилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олиншини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида”ги Низом¹га мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялари пакетлари, бошқа хўжалик жамиятларининг улушлари (давлат активлари) давлат манфаатларини таъминлаш учун юридик ва жисмоний шахсларга - ишончли бошқарувчиларга ишончли бошқарувга берилди. Бунда ишончли бошқарувга берилиши керак бўлган давлат активлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари билан бириктирилмаслиги ёхуд инсталланган бошқа шаклда бегоналаштирилиши мумкин эмас.

Давлат активларини ишончли бошқаришга бериш учун қуйидаги ҳолатлар асос ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

- акциядорлик жамиятлари ва компаниялардаги давлатга тегишли акциялар улушларидан самарали фойдаланиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича комиссиянинг қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарори.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари учун хос бўлган умумий ҳолат - бу асосларнинг ихтиёрий ва мажбурий тарзда амалга оширилиши ҳисобланади. Агар мол-мулкни ишончли бошқариш бошқарув муассиси ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузилган шартнома ва васият ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома асосида вужудга келса, ишончли бошқариш ихтиёрий асосда вужудга келган ҳисобланади. Чунки, бунда мулкдор-муассис ва мулкдор-васият қилувчи ўз хоҳиш-иродаларини ихтиёрий равишда, эркин ифодалайдилар. Яъни, шартнома тузиш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. №42. 417-модда.

мол-мулкни ишончли бошқаришга беришда уларга ҳеч ким тайзик ўтказиши, мажбурий тусдаги топширик бериши мумкин эмас¹.

ФКнинг 850-моддасида кўзда тутилган бошқа асосларда эса мол-мулкни ишончли бошқариш тегишли органларнинг ўз ваколати доирасидаги вазифани бажариш мажбурияти асосида амалга оширилади ва ўзига хос равишда оммавий (маъмурий) тартибга бўйсунди. Яъни, бунда суд, васийлик ва ҳомийлик органи ёхуд ваколатли давлат бошқарув органи қонун ҳужжатларида ўзига юклатилган хизмат вазифаларини бажариш мақсадида, қонун талабларидан келиб чиқиб ишончли бошқарувчи тайинлайди. Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ва ишончли бошқариш шартномасини тузиш учун қарор қабул қилган орган ўзининг мазкур қарори қонунийлиги ва асослилиги учун жавобгар ҳисобланади. Яъни, бунда суд, васийлик ва ҳомийлик органи, ваколатли давлат бошқарув органи ишончли бошқарувчи тайинлаётганда, бу шахснинг масъулиятлилиги, муайян соҳанинг билимдони эканлиги ва объектни бошқариш профессионалигини ҳисобга олиши, ғаразли мақсадларни кўзламаслиги, ўз манфаатларидан келиб чиқмаслиги лозим бўлади.

Умумий қоидага мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш мажбуриятлари вужудга келиши учун мураккаб юридик таркиб талаб этилади. Бундай мураккаб юридик таркиб иккита юридик факт: тарафлар томонидан имзоланадиган битим ва ушбу битим объекти ҳисобланган мол-мулкни ишончли бошқарувчига топширишдан иборат бўлади². Масалан, тарафлар ёзма шаклда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини имзолашади ва топшириш далолатномаси тузиб давлат органига мол-мулкни ишончли бошқариш топширилганлигини рўйхатдан ўтказишни сўраб мурожаат қилишади.

Бирок, баъзи ҳолатларда ушбу ҳаракатларнинг ўзи мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиши учун етарли бўлмайди. Масалан, “Қуёш” маъсулияти чекланган жамият ва “Нур” акциядорлик жамияти ўртасида 2004 йил 12 декабрда нотурар жой бино арендаси ҳақида шартнома тузилади. “Нур” АЖ (ижарага берувчи) бинони таъмирлаб бўлгандан сўнг “Қуёш” МЧЖга топшириш мажбуриятини олади. Бирок, ижарага берувчи ўзининг ижара шартномаси бўйича мажбуриятларини бажармайди. Ижарага олувчи эса, “Нур” АЖни ўз мажбуриятини натура ҳолида бажаришини талаб қилиб судга муро-

¹ Тавага - Принцип свободы договора в гражданском праве России.-М.:Юридический центр Пресс.2003.-32 с.; Ершов Ю.Л. Принцип свободы договора и его реализация в гражданском праве РФ: Автореф.дисс...к.ю.н. – Екатеринбург, 2001.-12 с.

² Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом.//Юрист.2005.№2.-С.25.

жлг қилади. Судда аниқланишича, низоли бино мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предмети ҳисобланиб, “Нур” АЖ томонидан (муассис) “Ваколат” фирмаси (ишончли бошқарувчи)га улар ўртасидаги 2004 йил 19 декабрдаги шартномага асосан ишончли бошқаришга берилган экан. Ишончли бошқарувчининг фикрича, бинони топшириш далолатномаси имзоланиб рўйхатдан ўтказилгач, у бинога нисбатан ҳуқуқ эгаси ҳисобланади. Бироқ, судда аниқланишича, гарчи тарафлар ўртасида 2005 йил 6 январда топшириш далолатномаси тузилган бўлса-да, амалда бино ишончли бошқарувчига топширилмаган ва шартнома давлат рўйхатидан ўтказилмаган экан. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, суд мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузилмаган деб ҳисоблаган.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келишида биринчи навбатда уни вужудга келтириш асосларини тўғри ва тўлиқ расмийлаштириш талаб этилади.

2. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асосларини алоҳида нормада мустақкамлайди. ФКда белгиланган мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари фуқаролик ҳуқуқидаги бошқа шартномаларни вужудга келтирувчи бошқа асослар, шу билан бирга, бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш асослари каби қонун ҳужжатларида белгиланган юридик фактлар асосида вужудга келади.

ФКнинг 850-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келтирувчи дастлабки асос – бу мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳисобланади.

а) Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси.

Мол-мулкни ишончли бошқариш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқидаги нисбатан янги шартнома ҳисобланади. Зеро, 1963 йилги Гражданлик кодексида айнан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси белгиланмаган. Гарчи, собиқ Иттифоқ даврида мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларига ўхшаш ҳолатлар¹ фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинсада, хусусий мулкчи-

¹ Масалан, бедарақ йўқолган фуқаронинг мол-мулкни бошқариш, вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва шу кабилар.

ликнинг мавжуд эмаслиги ва йирик мулкдорлар синфининг шаклланмаганлиги сабабли мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатлари мавжуд бўлмаган ва ушбу муносабатларни вужудга келтирувчи шартномага ҳам эҳтиёж сезилмаган.

Хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилиши ва хусусий мулкдорлар синфининг шакллана бориши фуқаролик ҳуқуқидаги бошқа шартномалар (рента, франшизинг ва шу кабилар) каби мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. Эндиликда мулкни бошқариш, ундан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари (ижара, ссуда, рента, омонат, оператив бошқариш, хўжалик юритиш ва шу кабилар) билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш ҳам фуқаролик ҳуқуқи субъектларига ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишда кенг имкониятлар берди.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида субъектларга кенг эркинлик берилганлиги, хусусий ишларга ўзбошимчилик билан аралашушга йўл қўйилмаслиги, диспозитив йўналтирилганлик¹, товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатда бўлиши² каби тамойилларга асосланади ва субъектларга ўзларига тегишли мол-мулкни бошқариш, ундан фойдаланишда ўз хоҳиш ва эркинликларидан келиб чиқиб ҳаракатланиш³ ҳуқуқини таъминлайди. Шу маънода мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам мулкдор ёки ваколатли давлат органи ёхуд мулкдор вакил қилган шахснинг хоҳиш-иродаси асосида мулкни учинчи бир шахсга бошқариш, яъни мол-мулкдан тижорат муомаласида фойдаланган ҳолда даромад олишни назарда тутати.

ФКнинг 849-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

¹ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида // Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. 2005. -252 б.; Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Юрид.фан.номз.дисс...Автореф.-Т.:2006.-11-12 б.

² Ахмадҷонов Б. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши тамойили. //Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Т.:ТДЮИ.2005.-265 б.

³ Раҳмонкулов Ҳ. ва бошқалар.Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми.-Т.:2007.-26-27 б.

Шартнома таърифидан кўриниб турибдики, унда бир тараф (ишончли бошқарувчи) иккинчи тараф (муассис) га “бошқариш” хизматини кўрсатади. Зеро, хизмат кўрсатиш ҳам фуқаролик ҳуқуқнинг ўзига хос объекти сифатида¹ шартнома предметини ташкил этади.

Муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мазкур шартноманинг асосий мақсади сифатида мол-мулкни бошқариш, яъни мол-мулкни фуқаролик муомаласида бўлишини таъминлаш орқали ундан фойда кўришни таъминлаш ҳисобланади ва буни амалга ошириш мажбурияти ишончли бошқарувчи зиммасида бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси орқали ўзига хос хизмат кўрсатиш амалга оширилиши таъкидланса-да, мазкур шартноманинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларига ёки умумий маънода ашёвий шаклда бўлган хизматлар жумласига кириши хусусида турли фикрлар мавжуд. Масалан, В.В.Витрянский ва Е.А.Сухановларнинг фикрига кўра, мол-мулкни ишончли бошқаришга оид муносабатлар ўзининг тайинланиш мақсадига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига ҳос-дир. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси топширик, воситачилик ва агентлик шартномалари билан баъзи ўхшашликларга эга бўлишига қарамасдан, юридик хизмат кўрсатиш шартномалари гуруҳига кирмайди, аксинча, бу шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг мустақил тури бўлиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ифода этади².

Ю.В.Романец эса, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси хизмат кўрсатишга оид бошқа шартномалардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилишини таъкидлаб, ушбу муносабатни тавсифловчи хусусиятлар бунда ишончли бошқарувчи муайян мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатишини айтиб ўтади³.

Л.Ю.Михеева мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предметини ишончли бошқарувчининг муайян ашёни мустақил яратиш ёки қайта ишлашга қаратилмаган амалий ва юридик ҳаракатлари ташкил этишини эътироф этиб, фуқаролик ҳуқуқи объектлари нуқтан

¹ Саидгазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини химоя қилиш.-Т.: ТДҲИ. 2005.-19 б.; Дўстгов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши.-Т.:ТДҲИ.2004.-14 б.

² Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки //Хозяйство и право.2001.№10.-С.35.; Гражданское право:Учебник.В2-х т. Т.П. Полухом 2/Отв.ред. Е.А.Суханов.-М.2000.с.118.

³ Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России.-М.:2001.-432 с.

назаридан бу ҳаракатларни хизмат деб ҳисоблаш мумкинлигини қайд этади¹.

Фикримизча, бу ўринда Е.А.Суханов ва В.В.Витрянскийнинг фикрлари асосли ҳисобланади. Дарҳақиқат, мол-мулкни ишончли бошқариш юзасидан амалга ошириладиган амалий ва юридик ҳаракатларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига ҳослигини кўриш мумкин. ФКнинг 703-моддасига мувофиқ, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш эса хизмат кўрсатишнинг бошқа турларидан фарқ қилиб, фақатгина ашёвий шаклда бўлмаган хизматлар кўрсатилади².

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчи ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган хизматларни кўрсатади. Яъни, ишончли бошқарувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар натижаси ашёвий шакл ҳосил қилмайди. Зеро, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган ҳаракатлар орқали амалга оширилишини ҳисобга олсак, хизматнинг бу турини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига киритиш мумкин бўлади.

Ҳукукий адабиётларда таъкидланишича, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси реал шартномалар жумласига киради³. Зеро, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлар ўзаро келишувга эришган пайтдан бошлаб эмас, балки мол-мулк ишончли бошқарувчига топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва шу пайтдан бошлаб тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини текинга ёки ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига кириши масаласида яқдил фикр мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Баъзи муаллифлар (Е.А.Суханов, В.А.Дозорцев, В.В.Витрянский) бу шартномани ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланишини эътироф этишса⁴, бошқа гуруҳ муаллифлар

¹ Михеева Л.Ю. Доверительное управление имуществом./ Под ред.В.М.Черного.-М.:1999.-71 с.

² Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари.- Юрид.фан.номэ... дисс.автореф.-Т.:2007.-11 б.

³ Гражданское право. Т.2./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект.1997.-683 с.

⁴ Суханов Е.А. Посреднические и кредитно-финансовые сделки в Гражданском кодексе РФ.-М.:1996.-С.29.; Дозорцев В.А. Доверительное управление имуществом (глава 53). – В кн.:Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель./Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова.-М.:1996.-548 с.; Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки//Хозяйство и право.2001.№10.-С.34.

(Ш.Д.Ёгоров, Д.В.Петелин) бу шартномани текинга ва ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига киритишади¹.

Фикримишча, бу ўринда иккинчи гуруҳ муаллифларининг фикрлари асослидир. Зеро, мазкур шартномада белгиланишича, ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш бўйича амалга оширган амалий ва юридик ҳаракатлари учун ҳақ эмас, балки олинган фойда ҳисобидан, тарафлар олдиндан келишилган миқдордаги мукофотни олади. Агар ишончли бошқарувчи фойда олмаса, унга бундай мукофот тўланмайди. Бу ҳолат эса шартноманинг текинга тузилишидан далолат беради. Бироқ, шартномада ишончли бошқарувчига ҳақ тўлаш ҳам назарда тутилиши ва бу мазкур шартноманинг асосий шартлари жумласига кириши ҳолати ҳам белгиланиши мумкин (ФКнинг 853-моддаси). Бунда эса мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Зеро, ишончли бошқарувчи томонидан амалга оширилган амалий ва юридик ҳаракатлар учун муассис томонидан ҳам муқобил ижро амалга оширилади.

Шу муносабат билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар жумласига киритиш мумкин².

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бир томонлама ёки икки томонлама шартномалар жумласига кириши масаласи хусусида ҳам фуқаролик ҳуқуқи фанида яқдил фикрлар мавжуд эмас. Бунда ҳам шартноманинг бир томонлама ёки икки томонламалиги унинг текинга ва ҳақ эвазига тузилганлигидан келиб чиқишини баъзи муаллифлар эътироф этишса³, айрим муаллифлар қатъий позицияда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳар доим ҳақ эвазига тузиладиган шартнома, шунинг учун ҳам бу шартнома ҳар доим икки томонлама шартномадир, деган хулосага келишади⁴.

Мазкур вазиятда биз биринчи гуруҳ муаллифлари фикрларига қўшилган ҳолатда, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳақ тўлаш лозимлиги белгиланганда муассисда ҳам мажбурият вужудга келиши, акс ҳолда эса, муассисда фақат талаб қилиш ҳуқуқи

¹ Гражданское право. Т.2/Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект.1997.-683 с.; Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом //Юрист.2005.№2.-С.26.

² Рахмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.2005.-245 б.

³ Гражданское право. Т.2/Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект.1997.-683 с.; Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом //Юрист.2005.№2.-С.26.

⁴ Суханов Е.А. Посреднические и кредитно-финансовые сделки в Гражданском кодексе РФ.-М.:1996.-С.29.; Дозорцев В.А. Доверительное управление имуществом (глава 53). – В кн.:Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель/Под.ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова.-М.:1996.-548 с.; Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки //Хозяйство и право.2001.№10.-С.34.

мавжуд бўлиши ва бу ҳолат шартноманинг бир томонламалигидан далолат беришини таъкидлаймиз. Зеро, муқобил ижронинг мавжудлиги муассиснинг шартнома бўйича ҳуқуқ билан бирга, мажбурияти ҳам борлигини англатади ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг икки томонлама бўлишини англатади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича ишончли бошқарувчига олинган фойда ҳисобидан мукофот бериш назарда тутилган ҳолларда эса шартнома бир томонламалик тусига эга бўлади. Бинобарин, бунда мол-мулкни ишончли бошқариш натижасида фойда кўрмаслик мукофот берилмаслигига олиб келади. Бундан ташқари фойдадан улуш (мукофот) беришни муассиснинг мажбурияти сифатида эътироф этиш ҳам баҳслидир. Зеро, шартномада белгиланган фойдани ажратиб олиш бевосита ишончли бошқарувчининг имконияти доирасидаги ҳолат бўлиб, муассис ҳеч қачон амалда бунга тўсқинлик қила олмайди.

ФКнинг 854-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунда битимнинг одатдаги ёзма шаклига амал қилинади¹.

Кўчмас мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома учун назарда тутилган шаклда ва тартибда тузилади. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши қайси тартибда давлат рўйхатидан ўтказилса, бу мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам шу тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик, унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини учинчи шахс фойдасига тузилган шартномалар жумласига киритиш мумкин. ФКнинг 362-моддасига мувофиқ, тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Ҳ.Р.Раҳмонкуловнинг фикрича, шартномалар ўз белгилари бўйича кимнинг фойдасига тузилишига қараб контрагент ўзининг ёки

¹ Раҳимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. Юрид.фан.номз....дисс.автореф.-Т.:2001.-16 б.

учинчи шахс фойдасига тузилиши билан фаркланади¹. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчи мол-мулкни муассис кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади, бунда фойда олувчи ишончли бошқарувчидан мол-мулкни ўзининг манфаатларини кўзлаб бошқариш, белгиланган муддатларда ўзига ҳисобот берилишини талаб қилишга ҳақлидир (ФК, 857-моддаси 4-қисми).

Айни вақтда шуни айтиш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учинчи шахслар фойдасига тузилган шартноманинг барча хусусиятларини ўзида ифодаламайди. Масалан, ФКнинг 162-моддаси 2-қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас. Бироқ, бу ҳолда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки, муассис ва ишончли бошқарувчи шартномани фойда олувчининг розилигисиз ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидирлар. Лекин, бу ҳолат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси учинчи шахслар фойдасига тузилган шартномалар жумласига киришига тўсқинлик қилмайди.

Маълумки, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар «ихтиёрий ва мажбурий» шартномаларга бўлинади. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бир пайтнинг ўзида ихтиёрий ва мажбурий шартнома ҳисобланади. Яъни, бу шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ҳам ёки ваколатли давлат органининг қарорига кўра ҳам тузилиши мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш мажбурий тузилиши ҳолатларига васийлик остидаги шахснинг мол-мулкни бошқариш, васиятнома ижроси тайинланган васиятномани ижро этиш, суднинг қарори асосида шартнома тузишни киритиш мумкин. Н.Г.Маркалова-нинг фикрига кўра, кредит ташкилотини 18 ойлик муддатга вақтинчалик бошқариш ҳақидаги мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси мажбурий шартномалар жумласига киришини эътироф этади². Бироқ мазкур фикрларга қўшилиб бўлмайди. Чунки, бунда тайинланган бошқарувчи корхона мол-мулки юзасидан ўз номидан битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

¹ Раҳмонкулов Х.Р. Мажбурият ҳуқуқи. –Т.:ТДҲИ.2005.-248 б.

² Маркалова Н.Г. Договор доверительного управления в современном гражданском и банковском законодательстве. //Журнал российского права. 1998. №12. –С.79.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси корхоналар банкрот деб эълон қилиниш жараёни тайинланадиган суд бошқарувчиси (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) билан ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тузилмайди. Суд бошқарувчиси юридик шахс банкрот деб эълон қилингунга қадар уни бошқариб туриш учун суд томонидан тайинланади (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида” ги Қонунининг 18-моддаси).

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тарафлари бўлиб, ишончли бошқарув муассиси ва ишончли бошқарувчи ҳисобланади. Гарчи мазкур шартномавий муносабатларда тараф сифатида эътироф этилмаса-да, фойда олувчи ҳам шартнома субъекти ҳисобланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг субъектлари доираси ФКнинг 852-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра, қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўладилар:

- мол-мулкнинг эгаси;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;
- ваколатли давлат органи – давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;
- мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона – мулкдорнинг руҳсати билан;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда – нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

Мазкур субъектлар қонун ҳужжатларида ўзларига белгиланган ваколат доирасида мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ва ишончли бошқарувчи билан муассис сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузишга ҳақли бўладилар. Масалан, нотариус васиятномада васият ижрочиси кўрсатилмаган бўлса, васиятнома очилгунга қадар мерос қолдирувчининг мол-мулкига ишончли бошқарув тайинлашга ҳақли ҳисобланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича ишончли бошқарувчи бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар иштирок этади. Қонун бу борада субъектлар доирасини чекламайди ва умумий маънода фуқаро ва юридик шахс ишончли бошқарувчи бўлиши мумкинлигини белгилайди. Зеро, мазкур шартнома ўзаро ишончга асос-

ланган бўлиб, унда у ёки бу субъект иштирок этишининг чекланиши шартноманинг мақсади ва унинг ишончга асосланганлигига путур етказган бўлур эди.

Давлатнинг ишончли бошқарувчи бўла олмаслигига келсак, бу давлатнинг бир вақтнинг ўзида маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида ҳокимият ваколатига эга эканлиги ва у аниқ бир шахснинг манфаатлари учун эмас, халқ манфаатлари учун хизмат қилишидан келиб чиқади. Зеро, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишидан асосий мақсад халқ фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади¹.

Фуқаролар ишончли бошқарувчи сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида иштирок этишлари учун улар муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим². Муомала лаёқатига эга бўлган ва муассис томонидан ишонч билдирилган ҳар қандай фуқаро ишончли бошқарувчи бўлиши мумкин.

Юридик шахслар мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ишончли бошқарувчи сифатида ҳаракат қилишлари учун уларнинг устав фаолиятида бу турдаги хизмат кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши лозим³. Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларнинг универсал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиб боришини⁴ ҳисобга олиб хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс ишончли бошқарувчи бўлиш мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

Т.М.Туребековнинг фикрига кўра, жамоат бирлашмаларининг гадбиркорлик фаолияти доираси кенг бўлиб, улар уставларида белгиланган вазифаларни бажариш ва молиявий эҳтиёждан келиб чиқиб, кенг қамровли фаолият олиб боришлари мумкин⁵. Шу маънода айтиш мумкинки, жамоат бирлашмалари ҳам бошқа юридик шахслар каби ишончли бошқарувчи бўлишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ихтиёрий асосларда вужудга келганда ишончли бошқарувчининг ким бўлишига нисбатан қонун ҳеч қандай чеклашларни белгиламаса-да, мажбурий тартибда мол-мулкни ишончли бошқариш ву-

¹ Баратов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик – ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.номз.... дисс.автореф.-Т.:2005.-12 б.

² Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. дисс....к.ю.н.-Т.:2004.-10 с.

³ Тошқидиев В.Р. Юридик шахсларни ташкил этиш буйича таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. Юрид.фан.номз.дисс....Автореф.-Т.:2005.-9 с.

⁴ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Т.:ТДЮИ.2004.-32 б.

⁵ Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф.дисс....к.ю.н.-Т.:2004.-18-19 с.

жудга келганда ишончли бошқарувчи сифатида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланмайдиган фуқаролар ва нотижорат юридик шахслари (давлат муассасаларидан ташқари) эътироф этиладилар. Ишончли бошқариш васиятнома асосида вужудга келганда ишончли бошқарувчи тадбиркор бўлмаган фуқаро ҳисобланади.

Фойда олувчи бўлиб эса, ҳар қандай шахс: фуқаро, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлган фуқаро, тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар, давлат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида иштирок этиши мумкин. Фақатгина шартномада ишончли бошқарувчи бўлган шахс фойда олувчи бўлиши мумкин эмаслиги ФКнинг 352-моддаси 2-қисмида белгиланган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида муассиснинг хоши – иродасидан келиб чиқиб, фойда олувчи бир ёки бир неча шахслар бўлиши мумкин. Масалан, васиятнома асосида тайинланган ишончли бошқаришда васиятномада кўзда тутилган барча меросхўрлар фойда олувчилар ҳисобланади. Уларнинг улушини тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умумий қоидага кўра, ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш юзасидан амалий ва юридик ҳаракатларни шахсан амалга ошириши лозим. Бироқ, ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш юзасидан у ёки бу ҳаракатни амалга оширишни учинчи шахсга топшириши мумкин. Бунда учинчи шахс шартномадаги хатти-ҳаракатлари учун ишончли бошқарувчининг ўзи жавобгар ҳисобланади. Бу ҳолатда шартномада иштирок этувчи субъектлар жумласига учинчи шахс, яъни ишончли бошқарувчининг вакилини ҳам киритиш мумкин. Ишончли бошқарувчи ва унинг вакили ўртасидаги муносабатлар топшириқ шартномаси асосида тартибга солинади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари, одатда, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган объектлар ҳисобланади¹.

Н.Д.Егоровнинг эътироф этишича, мол-мулкни ишончли бошқаришнинг объекти бўлиб, муайян фойда кўриш учун тайёрлаш ва фойдаланиш мумкин бўлган мол-мулк ҳисобланади. Бунда мулк ҳуқуқининг ва ишончли бошқаришнинг объекти бўлиб, хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар эътироф этилади. Бироқ, мулк ҳуқуқи объектларидан фарқ қилиб, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предметида келажакда, яъни шартнома тузилгани

¹ Гулямов С. Теоретические и практические аспекты правовой классификации материальных благ. // Узбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №2. - Б.9-17.

дан кейин олинадиган, вужудга келтириладиган мол-мулклар ҳам киради¹.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари доираси ҳам қонунда белгиланган. ФКнинг 851-моддасига мувофиқ, ишончли бошқариш объектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Мол-мулкни ишончли бошқариш объекти сифатида корхона ишончли бошқарувга берилаётганда унинг таркиби бутун мулккий мажмуа ҳисобланган корхонанинг барча мол-мулклари, бинолар ва иншоотлар, асосий ва айланма маблағлар киради. ФКнинг 85-моддаси 3-қисмига мувофиқ, мулккий комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлак ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради. Бироқ, корхона таркибига кирувчи ушбу объектларнинг барчаси ҳам мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объекти таркибига кирмаслиги мумкин. Масалан, корхонанинг ишчанлик обрўси шахсий номулккий ҳуқуқлар жумласига киради² ва у мол-мулкни ишончли бошқариш объекти бўла олмайди. Зеро, корхона ишончли бошқаришга берилгач, ишончли бошқарувчи уни ўз номидан бошқаради ва бунда у корхона мулкдорининг ишчанлик обрўсидан фойдаланиши мумкин эмас. Чунки, корхона ишончли бошқаришга топширилгач, корхонанинг олдинги ишчанлик обрўси эмас, ишончли бошқарувчининг номи ва унинг ишчанлик обрўси контрагентлар учун аҳамиятли ҳисобланади.

Корхонанинг фирма номи мол-мулкни ишончли бошқариш объекти бўлиши масаласи хусусида фикр юритганда, баъзи муаллифларнинг корхона ишончли бошқаришга берилганда фирма номи ишонч-

¹ Гражданское право. Т.2./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект.1997.-689 с.;

² Насриев И. Шахсий номулккий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофиза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари.-Т.:Ф.Фулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2006.-69 б.

ли бошқариш объектига кирмаслигини, у корхонанинг мулки эмас; балки шахсийлаштириш воситаси ҳисобланишини айтиб ўтишади¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунининг² 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс (лицензиар) ўз фирма номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) қонун ҳужжатларига мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахсни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкый мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Юридик шахслар қўшиб юборилганда ва юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб олинганда фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши топшириш ҳужжатига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс бўлинганда ёки у юридик шахс таркибидан ажралиб чиққанида фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши тақсимлаш балансига мувофиқ амалга оширилади.

О.Оқюловнинг эътироф этишича, корхона бутунлай бегоналаштирилганда (сотилганда), ҳада қилинганда фирма номини бошқа шахсга ўтказиш мумкин³.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, юридик шахснинг фирма номи корхона ижарага берилганда ишончли бошқарувчига ўтмайди. Яъни, ишончли бошқарувчи корхонанинг фирма номини ва унга бўлган ҳуқуқни ўз номига қайта расмийлаштирмайди, бироқ у корхона фирма номидан фойдаланган ҳолда корхонанинг фаолиятини давом эттиради. Бошқача айтганда, корхона ишончли бошқаришга берилганда, гарчи уни ишончли бошқарувчи ўз номидан бошқарса-да, корхонанинг фирма номи ўзгармасдан қолади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объекти сифатида корхонанинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил этганда, корхонани бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий муносабат объекти бўлиши билан бирга, ҳуқуқ субъекти эканлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Зеро, ҳуқуқ субъекти сифатида корхонанинг ишончли бошқарувга берилишидан

¹ Табашников В.Н. Предприятие как объект гражданских прав.//Законодательство.1998.№9.-С.10; Масевич М.Г., Чечуева С.М. Продажа предприятия.//Дело и право.1996.№7.-С.33.; Жариков В.В. Предприятие как объект договора доверительного управления имуществом: проблемы доктрины и законодательства.// Юрист. 2004. №5. -С.22.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда.

³ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.:ТДЮИ.2004.-154 б.

олдинги фаолияти давомида олган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ишончли бошқарувчига ўтиши масаласи шартнома тузилаётганда ҳал этилиши лозим. Чунки, корхона билан боғлиқ ҳар қандай битимларда бу масала ҳал этилиши белгиланган. Масалан, корхонани сотиш шартномасида, шартнома имзолангунга қадар инвентаризация далолатномаси, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарз (мажбурият) лар рўйхатини тарафлар тузган ва кўриб чиққан бўлиши керак (ФКнинг 491-моддаси 2-қисми).

Корхонани ижарага бериш шартномасида ҳам ижарага берилаётган корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақдири тарафлар ўртасида келишиб олинishi лозим бўлади. ФКнинг 579-моддаси 2-қисмига мувофиқ, ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу гуфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган, деб ҳисобланади.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, корхона ишончли бошқаришга топширилганда ҳам унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ишончли бошқарувчига топширилиши масаласи келишиб олинishi лозим бўлади.

В.В.Жариковнинг фикрича, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси корхонани сотиш шартномасидан фарқ қилиб, корхона ишончли бошқаришга берилаётганда, унинг таркибига ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш кирмайди. Зеро, корхонани сотиш шартномасидан фарқ қилиб, унга нисбатан мулк ҳуқуқи ишончли бошқарувчига ўтмаганидек, талабдан воз кечиш ва қарзларнинг ўтказилиши ҳам ишончли бошқарувчига ўтмайди¹.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мазкур хусусиятига эътибор қаратиб, бу масалада В.В.Витрянский қуйидагича фикр билдиради:

¹ Жариков В.В. Предприятие как объект договора доверительного управления имуществом: проблемы доктрины и законодательства. // Юрист. 2004. №5. - С. 22.

- мол-мулкни ишончли бошқаришда мулккий ҳуқуқларни (талаб қилиш ҳуқуқи) ўтказиш бошқарув муассиси ва ишончли бошқарувчи ўртасида талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш битими орқали амалга оширилиши мумкин эмас, чунки сессияда ҳуқуқнинг янги кредиторга ўтиши вужудга келади, ишончли бошқарувчи эса корхонага тегишли талаб қилиш ҳуқуқини фақатгина бошқариш ваколатига эга бўлади, бунда талаб қилиш ҳуқуқининг эгаси ишончли бошқарув муассиси бўлиб қолаверади¹.

Ушбу фикрларни давом эттириб, таъкидлаш лозимки, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганда, дастлабки кредитор асосий мажбурият бўйича шахс алмаштирилиши муносабати билан мажбуриятдан чиқади². Корхона ишончли бошқаришга берилаётганда эса муассис ҳуқуқ эгаси сифатида сақланиб қолади ва унинг ҳуқуқлари ишончли бошқарувчига ўтиб кетмайди.

Корхона таркибининг турли хиллигини ва мураккаблигини ҳисобга олиб, уни ишончли бошқаришга берилаётганда барча мол-мулклар рўйхати тўлиқ ифодаланиши, инвентаризация ҳужжатларида ва топшириш далолатномасида бу ҳолатлар ифодаланиши лозимлиги ФКнинг 853-моддасида белгиланган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартларидан англашилади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг таркибига бино ва иншоотларни ҳам киритиш мумкин. Зеро, бино ва иншоотлар кўчмас мулкнинг энг кенг тарқалган шакли сифатида фуқаролик муомаласида ҳаракатланадиган объект ҳисобланади³. Бино ва иншоотларни ишончли бошқаришга бериш ҳолати ҳам корхонани ишончли бошқаришга бериш каби инвентаризация ҳужжатлари ва топшириш далолатномаси орқали амалга оширилади. Бино ва иншоотлар билан боғлиқ бошқа битимлар каби бино ва иншоотни ишончли бошқаришга беришда у жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ҳам ишончли бошқаришга топшириш масаласи ҳал этилиши лозим. Агар ишончли бошқаришга топширилган бино ва иншоот мулкдори муассис бўлса, унда тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ер участкасини ишончли бошқарув объекти доирасига киритиш масаласи ҳал этилади. Айнан шу ҳолатлар бино ва иншоотни ижарага бериш шартно-

¹ Витрянский В.В. Договор доверительного управления имуществом.- М.:2001.-149 с.

² Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги 110-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» ги Қарори.

³ Мостов Г.С. Особенности приобретения и прекращения права собственности на недвижимое имущество. //Юрист.2002.№10.-С.21.

масида ҳам кузатилиши кўпчилик муаллифлар томонидан эътироф этилади¹.

Ишончли бошқаришга топширалаётган бино ва иншоот жойлашган ер участкасининг мулкдори ишончли бошқарув муассиси эмас, бошқа шахс бўлса, унда ишончли бошқарувчи бу ер участкасидан бошқарув муассиси фойдаланган ҳажмда ва доирада фойдаланади.

Қимматли қоғозлар мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг алоҳида ва ўзига хос мураккаб объекти ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қимматли қоғозларни ишончли бошқарувга беришга оид алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинмаганлигини эътироф этиш лозим².

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелдаги «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» ги, 2001 йил 30 августдаги «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда қимматли қоғозлар тушунчаси, уларни чиқариш ва муомалага киритиш тартиби хусусида қондалар белгиланган бўлса-да, қимматли қоғозларнинг мол-мулкни ишончли бошқариш объекти сифатидаги хусусиятлари очиқ берилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига биноан, қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозлар – бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин.

¹ Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. - Автореф. дисс. ... д. ю. н. - Т.: 2002. - 31 с.; Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. /Х.Раҳмонқулов ва И.Зокировнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Адолат, 1999. - 113 б.; Усмонов М. Қишлоқ ҳўжалигида ижара. - Т.: ТДҲЮ. 2005. - 44 б.

² Тўғри, бу соҳада ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида»ги Низом амалда бўлиб, унда давлатга тегишли акциялар пакетларини ишончли бошқаришга бериш шартлари ва тартиби белгиланган.

Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Қимматли қоғозларнинг киймати, киритилган улуш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ифодалангани ҳамда тўланади, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида (акциялар бўйича – мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) тўланади. Қимматли қоғозларнинг куйидаги турларини ишончли бошқаришга бериш мумкин:

- акциялар;
- облигациялар;
- хазина мажбуриятлари;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилалари;
- депозит сертификатлари;
- векселлар.

Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятлари ва қимматли қоғозлар ҳосилаларининг реқвизитлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан, депозит сертификатлари ва векселларнинг реқвизитлари эса – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Қимматли қоғозлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар, башарти мулкий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун эмитент (қимматли қоғозни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар борасида касб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан эгасининг номини қайд этиш зарур бўлсагина, эгаси ёзилган бўлади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш ҳисоб-китобдаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда акс этади.

Қимматли қоғозлар, башарти мулкий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун қимматли қоғозни тақдим этишнинг ўзи етарли бўлса, тақдим этувчига тегишли ҳужжатлар деб ҳисобланади. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар эркин муомалада бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш ўзига хос хусусияларга эгаллиги, уларни ишончли бошқаришга бериш алоҳида махсус нормалар билан тартибга соли-

ниши лозимлиги, қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги умумий нормалар орқали қимматли қоғозларни ишончли бошқариш муносабатларини тартибга солиш мумкин эмаслиги хусусида кўплаб фикрлар билдирилган¹.

В.В.Витрянский қимматли қоғозларни ишончли бошқарувга беришнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

- мол-мулкни ишончли бошқариш объекти сифатида нафақат қимматли қоғознинг ўзи, балки қимматли қоғозни инвестиция қилишга мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек қимматли қоғозларни ишончли бошқариш натижасида олинган пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳам эътироф этилади;

- қимматли қоғозларни ишончли бошқариш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар доираси қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари доираси билан чегараланган².

Гаров хати, икки қисмли омор гувоҳномасини ишончли бошқаришга беришга нисбатан профессионал бошқарувчининг иштирок этиши талаб этилмайди. Чунки, мазкур ҳужжатларнинг муомаласи «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинмайди. Гаров гувоҳномаси ва икки қисмли омор гувоҳномасининг муомаласи, уларни ишончли бошқарувга бериш умумий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасига мувофиқ, қимматли қоғозлар бозори – жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомаллада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар тизимидир.

Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари – қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвесторлар, инвестиция институтлари, шунингдек уларнинг бирлашмалари (уюшмалари), фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштириш ваколати берилган органлар ва бошқалардан иборатдир.

¹ Витрянский В. Особенности доверительного управления ценными бумагами. // Хозяйство и право. 2001. №11. С.48-64.; Анисимова Т.В. К вопросу о возможности доверительного управления ценными бумагами. // Юрист. 2001. №9. - С.47-49.; Рабинович А. Владельцы и собственники: кому предоставляется льгота по доходам по государственному ценным бумагам при доверительном управлении и совместной деятельности? // Хозяйство и право. 2000. №2. - С.76-79.; Анисимова Т.В. Договор доверительного управления ценными бумагами. // Юрист. 2001. №12. - С.29-33.

² Витрянский В. Особенности доверительного управления ценными бумагами. // Хозяйство и право. 2001. №11. С.48.

Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция институтларининг қуйидаги турлари фаолият кўрсатиши мумкин:

- инвестиция воситачиси (молия брокери ва дилери);
- инвестиция маслаҳатчиси;
- инвестиция компанияси;
- инвестиция фонди;
- бошқарувчи компания;
- депозитарий;
- ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ташкilotи);
- қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини сақловчи;
- қимматли қоғозларни номинал сақловчи;
- инвестиция институтларининг бошқа турлари. Инвестиция институт-лари ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин, фақатгина очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши мумкин бўлган инвестиция фонди бундан мустасно.

Инвестиция институтлари тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва уларни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Мазкур қоидадан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қимматли қоғозларни ишончли бошқарувчиси сифатида фақатгина профессионал бошқарувчи фаолият юритиши мумкин. Масалан, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, бошқа инвестиция институтларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг инвестиция активларини бошқариш соҳасида фаолият кўрсатадиган, шунингдек қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга оширадиган инвестиция институти бошқарувчи компания деб аталади.

Юридик шахснинг эгаллик қилиш учун ўзига берилган ва бошқа бир шахсга тегишли бўлган, мазкур шахс ёки бу шахс кўрсатган учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб:

- қимматли қоғозларни;
- қимматли қоғозларни инвестициялашга мўлжалланган пул маблағларини;
- қимматли қоғозларни бошқариш жараёнида олинадиган пул маблағлари ҳамда қимматли қоғозларни ҳақ эвазига бошқариш ваколатини муайян муддат давомида ўз номидан амалга ошириши қимматли қоғозларни бошқариш соҳасидаги фаолият ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари ва шартномалар билан белгиланади.

Қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга бериш шартнома-сида ишончли бошқарувчининг қимматли қоғозни тасарруф этишга нисбатан ваколатлари белгиланиши лозим бўлади. Агар ишончли бошқарувчи сифатида кредит ташкилоти иштирок этса, шартномада қимматли қоғозни баҳолаш механизми, муассис ҳисоб рақамидан қимматли қоғозни ишончли бошқарувчининг ҳисоб рақамига кўчириш каби жиҳатлар ўз ифодасини топиши керак.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозларни ишончли бошқаришга беришнинг ҳуқуқий механизмини ривожлантириш зарурияти бутунги кунда яққол сезилаётганлигини эътироф этган ҳолда, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш лозим бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объекти сифатида алоҳида ҳуқуқларнинг мақоми ўзига хос аҳамиятга эга. Фуқаролик қонунчилигида «алоҳида ҳуқуқлар» тушунчасига таъриф берилмаган. Бундай ҳуқуқлар жумласига нималар кириши ҳам қонунчиликда белгиланмаган. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари доирасини белгилайдиган ФКнинг 81-моддасида ҳам «алоҳида ҳуқуқлар» номли объект ўз ифодасини топмаган. Мазкур нормада «мулкий ҳуқуқлар» фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. ФКнинг 386-моддаси 5-қисмида олди-сотди шартномасининг қондалари агар ушбу ҳуқуқлар мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, мулкий ҳуқуқларни сотишга нисбатан қўлланилиши мустаҳкамланган.

Бирок, «алоҳида ҳуқуқ» атамасининг ҳуқуқий жиҳатдан баҳсли эканлигини таъкидлаб, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объекти сифатида турли субъектив фуқаролик ҳуқуқлари бўлиши мумкинлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳуқуқлар жумласига ҳужжатсиз қимматли қоғозлар билан тасдиқланган ҳуқуқлар ва мутлақ ҳуқуқлар киради. Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар билан тасдиқланган ҳуқуқларни бошқаришнинг кенг тарқалишига сабаб, қимматли қоғозларнинг ўзини бошқариш билан боғлиқлигидан келиб чиқди. Мутлақ ҳуқуқларни ишончли бошқарувга беришда эса ҳуқуқ эгаси томонидан муайян малака ва билимга эга бўлган ишончли бошқарувчи тайинланиши лозим бўлади. Масалан, интеллектуал мулк объектлари, фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари, селекция ютуқларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бошқаришда шу соҳада билим ва малакага эга бўлган шахс ишончли бошқарувчи сифатида иш-

тирок этиши лозим бўлади. Мутлак ҳуқуқларни ишончли бошқаришга бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари доирасига ФКнинг 851-моддасида юқорида таҳлил этилганлардан ташқари бошқа мол-мулкларни ҳам киритади. Бунда шартнома объекти бўлиши учун ҳар қандай мол-мулкдан фойда бериши, яъни ишончли бошқарувчи уни бошқариши жараёнида мол-мулк муайян иқтисодий даромад келтириши лозим бўлади. Чунки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида мол-мулк ишончли бошқарувчи уни муассис ва фойда олувчи манфаатларини қўзлаб бошқариб, фойда олиши учун берилади. Фойда келтирмайдиган мол-мулк эса ишончли бошқариш шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предмети бўлиши мумкин бўлган «бошқа мол-мулклар» жумласига, транспорт воситалари, уй ҳайвонлари (масалан, сигир, қўй, товук ва шу кабиларни ишончли бошқариш орқали фойда кўриш мумкин), ишлаб чиқариш ускуналари (турли хилдаги станоклар, электр жиҳозлари ва шу кабилар) ва бошқалар киради.

ФКнинг 851-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари пул мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мустақил объекти бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқшунос олим В.В.Витрянский мазкур вазиятда қуйидаги икки ҳолатга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди: биринчидан, пулни ишончли бошқаришга бериш фақатгина пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўлганда чекланади, яъни бунда гап пулни ишончли бошқариш шартномаси ҳақида кетади. Пулнинг бошқа мол-мулк таркибида ишончли бошқаришга берилиши ҳақида қонунчиликда ҳеч қандай чеклов мавжуд эмас. Масалан, мулкий мажмуа сифатида корхона ўзининг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиши учун унга бошқа мол-мулклар қатори пул ҳам ишончли бошқаришга берилиши мумкин.

Иккинчидан, ФК пулни ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўла олмаслигини чеклаган ҳолда, бунда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларни истисно эканлигини белгилайди¹.

В.В.Витрянскийнинг фикрларига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида пул ишончли бошқаришнинг мустақил объекти бўлиши мумкин бўлган норма мавжуд эмас. Ўз навбатида Россия Федерациясининг 1996 йил 3 феврал-

¹ Витрянский В. «Доверительное управление» денежными средствами // Хозяйство и право. 2001. № 12. - С. 26.

лиги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Федерал Қонунининг 4-моддасида барча кредит ташкилотлари жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномалар бўйича пул маблағларини ишончли бошқаришни амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари пул маблағларини ишончли бошқариш муносабатлари Россия Банкининг 1997 йил 2 июлдаги №63-сонли «Ишончли бошқариш операцияларини амалга ошириш тартиби ва Россия Федерацияси кредит ташкилотларининг ушбу операциялар бўйича бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномаси орқали тартибга солинади¹. Айтиш мумкинки, пулни ишончли бошқаришга бериш масаласи бозор механизмлари тобора ривожланиб бораётган мамлакатимизда ҳам амалга ошириш мумкин.

Шу ўринда пулни банк ташкилотларига ишончли бошқаришга бериш тўғрисидаги нормани Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига киритиш лозим бўлади. Мазкур нормада банклар томонидан амалга ошириладиган операциялар санаб ўтилган бўлиб, улар жумласига, маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш ҳам киритилган. Фикримизча, мазкур норманинг «биноан пул маблағларини» иборасидан кейин «ишончли» сўзини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, пул фуқаролик ҳуқуқининг мустақил объекти ҳисобланади. Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, у мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг мустақил объекти бўла олмайди. Бунга сабаб пулнинг турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар жумласига мансублиги ҳисобланади. Зеро, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк ишончли бошқарувчи томонидан яхши сақланиши ва шартнома бекор бўлгач, айнан шу мол-мулкнинг ўзи мулкдорга қайтариб берилиши лозим. Пул ишончли бошқаришга берилганда эса ишончли бошқарувчи айнан шу пул – “шу мол-мулк”нинг ўзини қайтариш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг устига пулнинг нобуд бўлиш хавфи ҳам бошқа ашёларга нисбатан юқорироқ ҳисобланади ва ФКнинг 229-моддаси 4-қисмига мувофиқ, пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмаслиги мулкдор – муассиснинг мулкий ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланмаганлигини англатади.

¹ Собрание законодательства РФ. 1996, №6, ст.492.

² Вестник Банка России, 1997, №43, с.25.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида пул нақд ва нақд бўлмаган шаклларга бўлинади. Шунингдек, пул турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашё ҳисобланиши билан бирга, бўлинадиган ва истеъмол қилинадиган ашё бўлиб, унинг тўлов қобилияти тегишли банкнотда ифодаланган пул бирликларнинг сонига боғлиқ бўлади¹. Е.А.Сухановнинг фикрича, пуллардан фуқаролик муомаласида фойдаланганда тегишли банкнот (купюра) га нисбатан мулк ҳуқуқи йўқотилади ва улар шартнома муддати тугагунга қадар қайтарилиши мумкин эмас (бунинг устига, одатда, мулкдорни айнан ўша купюраларнинг қайтарилиши эмас, муайян сумма ва унга тўланиши лозим бўлган сумма қизиқтиради)².

Шу маънода айтиш мумкинки, ишончли бошқаришга нақд пул берилганда муайян ашё ишончли бошқариш объекти ҳисобланади, нақд бўлмаган пул ишончли бошқаришга берилганда эса шартнома объектини банкка нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи ташкил этади³.

Мамлакатимиз фуқаролик ҳуқуқи фанида мол-мулкни ишончли бошқариш предмети сифатида пулнинг мақоми кенг таҳлил этилмаган. Мазкур муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан кенг таҳлил этилмаётганлигининг сабабларидан бири сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатлари амалиётининг деярли мавжуд эмаслигидир. Бу ҳол соҳани таҳлил этишда қатор қийинчиликларни туғдиради. Шунинг учун мол-мулкни ишончли бошқариш объектлари доирасини илмий таҳлил этиш билан бирга улар амал қилишининг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Фуқаролик қонунчилиги хўжалик юритиш ва оператив бошқаришдаги мол-мулкни ишончли бошқаришга берилиши мумкин эмаслиги қондасини мустаҳкамлайди (ФКнинг 851-моддаси 3-қисми).

Дарҳақиқат, хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи ашёвий ҳуқуқнинг мустақил тури бўлиб, бу ҳуқуқлар амал қилиб турган даврда мол-мулкни бошқа янги ҳуқуқий муносабат объектига айлантирилиши, албатта, ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бўлмас эди. Бирок, хўжалик юритиш ва оператив бошқаришга берилган мол-мулкни давлат корхонаси ва муассасаси бошқа шахсга ижарага бериши мумкин эмаслиги қондаси белгиланмаганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Лекин, одатда, ижара мол-мулкни ишончли бошқаришдан фарқ-

¹ Новоселова Л.А. Проблемы гражданско-правовой регуляции расчетных отношений. Автореф. дисс. ... д.ю.н. - М.: 1997. - 15 с.; Коваленко Е.Ю. Правовое обеспечение расчетных отношений в предпринимательской сфере. Автореф. дисс. ... к.ю.н. - Алматы, 2002. - 11 с.; Гулямов С. Деньги, валюта и валютные ценности как объекты гражданских прав // Вэбестикон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. - Б. 26-31.

² Гражданское право: Учебник. В 2-х т. Т. II. Полутом 2 / Отв. ред. Е.А. Суханов. - М. 2000. с. 123.

³ Ишев А.П. Доверительное управление денежными средствами // Юрист. 2000. №12. - С. 41.

ли равишда ҳар доим тадбиркорликнинг ўзига хос фаолияти ҳисобланмайди ва бунда бўш турган бино ёки иншоотни ижарага бериш мулкдор манфаатларига путур етказмаслиги мумкин. Шу билан бирга, ижарага берувчи сифатида мулкдор эмас, унинг вакили (бу ҳолатда хўжалик юритувчи корхона ёки оператив бошқаруви асосида фаолият юритаётган давлат муассасаси) ҳам шартномада иштирок этиши мумкин, ҳамда ижарага берилган мол-мулкка нисбатан фақатгина эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ижарага берувчига ўтади. Мол-мулк ишончли бошқаришга берилганда эса, бошқарув муассасиси сифатида фақатгина мулкдорнинг ўзи иштирок этиши лозим бўлиши билан бирга, ишончли бошқарувга берилган мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига қўшимча равишда муайян маънода тасарруф этиш ҳуқуқи ҳам ишончли бошқарувчига берилиши керак. Бу ҳолат эса хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқида ҳам учрайди. Шу маънода ўзининг мазмуни жиҳатидан бири-бирига ўхшаш бўлган икки муносабатни бир вақтнинг ўзида битта мол-мулкка нисбатан татбиқ этиш ҳақиқатан ҳам мантиқсизликни ва турли тушунмовчиликларни келтириб чиқаришини назарда тутиб, фуқаролик қонунчилиги оператив бошқариш ва хўжалик юритиш ҳуқуқидаги мол-мулк ишончли бошқаришга берилиши мумкин эмаслигини белгилайди. Хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда бўлган мол-мулк уни хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувда сақлаб турган юридик шахс тугатилганидан ёки мол-мулкка хўжалик юритуви ёки оператив бошқарув ҳуқуқи бекор қилинганидан ҳамда у қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мулкдорнинг ихтиёрига ўтганидан кейингина ишончли бошқарувга топширилиши мумкинлигини нормалайди.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари сифатида одатдаги шартномалар учун хос бўлган шартлар билан бирга, ФКнинг 853-моддасида куйидаги шартлар ҳам кўрсатиб ўтилади:

- шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати;
- фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма;
- ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари;
- ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс;

- агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли.

Шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати ишончли бошқариш муассиси томонидан тузилади ва шартнома имзолангач, мол-мулк билан бирга ишончли бошқарувчига топширилади. Ишончли бошқарувчи мазкур рўйхатни топширлаётган мол-мулк билан солиштириб кўрган ҳолда қабул қилади ва бу рўйхат тарафлар томонидан имзоланади.

Фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатмани мазкур шартноманинг асосий шартлари жумласига киритилишини баҳсли, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида фойда олувчи бўлмаслиги, мол-мулк фақат муассиснинг манфаатларини кўзлаб бошқарилиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан мазкур шарт назаримизда шартноманинг асосий шарти ҳисобланмайди. Чунки, фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма шартномага киритилмаган бўлса, ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқарув муассисининг манфаатларини кўзлаб бошқаради ва шартнома тузилган деб ҳисобланади. У ёки бу шартнинг шартномада муҳим шарт ҳисобланишининг асосий белгиси эса, мазкур шартнинг шартномага киритилмаслиги унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келиши билан белгиланади. Фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатманинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига киритилмаслиги эса, кўпчилик вазиятларда¹ бундай оқибатларга олиб келмайди.

Ишончли бошқарувчининг ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари қаторига киритилиши тарафлар ўртасидаги муносабатларда аниқликни ва ўзаро ҳамкорликни белгилайди. Бундай муддатларнинг белгиланиши биринчи навбатда бошқарув муассисининг ўз мол-мулк аҳволидан хабардор бўлиб туриши имкониятини белгиласа, иккинчидан, ишончли бошқарувчининг ишларига муассиснинг асосиз ва бевақт аралашуви олдини олади. Шу муносабат билан ишончли бошқарувчининг ҳисоботларни тақдим этиш муддатларининг шартномада белгиланиши ҳар икки тараф учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат ҳисобланади.

¹ Ишончли бошқариш шартномаси мажбурий тартибда тузилган ҳолатлар (васиятнинг ижросиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома, суд қарори, васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар) да фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади.

Одатда, мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга қаратилган шартномаларда шартнома бекор қилинган, мол-мулкнинг мулкдорга қайтарилиши шартномага киритилмаса-да, бу ҳол тарафлар учун қатъий қоида ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай ҳолатда ҳам мулкдорга тегишли ашё унга қайтарилиши керак. Бироқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ишончли бошқариш муассиси ҳар доим мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланмайди. Масалан, нотариус, васийлик ёки ҳомийлик органи, суд мол-мулкнинг ижрочиси бўлган вазиятларда шартномада, албатта, шартнома бекор бўлган, мол-мулкни оладиган шахс кўрсатилиши лозим. Ишончли бошқариш муассис-мулкдор бўлганда ва шартномада фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма мавжуд бўлмаганда, ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс ҳақидаги қонданинг шартномага киритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлмайди.

Лекин, юқорида санаб ўтилган, мол-мулкни ишончли бошқариш мажбурий тартибда вужудга келган ҳолларда ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс хусусидаги шарт шартномага киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шартнома бекор бўлган, мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи кимга тегишли бўлса, унга қайтарилиши лозим бўлади. Масалан, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бекор бўлган пайтга келиб, васийлик остидаги шахснинг вояга етиши билан мол-мулк унинг ўзига қайтариб берилиши керак.

Маълумки, мол-мулкни ишончли бошқариш, одатда, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга қаратилади. Бунда ишончли бошқарувчи ўзининг билими, маънаси, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги орқали бошқарув муассиси ва фойда олувчи манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади. Шу муносабат билан шартномада ишончли бошқарувчининг ҳақ тўлаши назарда тутилиши мумкин. Бу вазиятда эса шартноманинг муҳим шартлари жумласига ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли ҳам киради. Бунда тарафлар ишончли бошқарувчи амалга оширган хизмати учун тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни натура ёки пул шаклида олиши, ҳақ тўлаш муддатлари каби масалаларни ҳал этишлари ва шартномада ифодалашлари лозим бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси узоқ муддатга тузиладиган шартномалар жумласига киради. Шартноманинг энг кўп амал қилиш муддати сифатида эса беш йил белгиланган. Бироқ, ишончли бошқаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар

учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

б) Васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома.

Маълумки, васиятнома вафот этаётган шахснинг ўз мол-мулки юридик тақдирини белгилашга нисбатан сўнгги хоҳиш-иродаси ҳисобланади. Васиятнома ворислик вужудга келишининг биринчи асоси ҳисобланади. Ворислик эса ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури ҳисобланиб, мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши билан боғлиқ¹.

ФКнинг 1120-моддасига мувофиқ, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васият қиладиган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

¹ Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи.-Т.:1998. -22 б.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган нәйтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

ФКнинг 1131-модасига мувофиқ, васият қилувчи васиятнома-нинг ижро этилишини ўзи васиятномада кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (васиятномани ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг васиятнома-нинг ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатида ёки васиятномага илова қилинган аризасида акс эттирилиши лозим. Одатда, васиятни ижро этувчи ишончли бошқарувчи ҳисобланади.

Агар васиятнинг ижроси васиятномада тайинланмаган бўлса, меросхўрлар ўзаро келишиб, васиятнома-нинг ижросини меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидирлар. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, васиятномани ижро этувчи бир ёки бир неча меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланиши мумкин. Васиятномани ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятни ижро этувчи ишончли бошқарувчи сифатида:

- меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;
- барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи-ларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;
- мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;
- мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўр-ларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;
- меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;
- васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома бўйича мерос-хўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Васиятномани ижро этувчи, яъни ишончли бошқарувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи (ишончли бошқарувчи) ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан ҳоли қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эгалик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Васиятномани ижро этувчи (ишончли бошқарувчи) меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш бўйича зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

в) Суднинг қарори

Суд томонидан ишончли бошқарувчиларни тайинлаш одатда банкротлик жараёнида корхоналарни тугатиш муносабатларида кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида» ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин.

Суд бошқарувчилари этиб қуйидагилар тайинланиши мумкин эмас:

- қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар;
- судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судданганлиги олиб ташланмаган шахслар;
- яқка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;
- илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар;
- бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолайик деб топилган шахслар).

Хўжалик суди ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асосларга биноан, банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахслар тақдим этган далиллар бўлган тақдирда, суд бошқарувчилигига тавсия этилган номзодни бу вазифага тайинлашни рад этишга ёки суд бошқарувчисини ўз вазифасини бажаришдан озод этишга ҳақли.

Суд бошқарувчиси хўжалик суди томонидан вазифага тайинланган санадан эътиборан ўн кун ичида банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларга зарар етказилиши ҳодисаси учун ўз жавобгарлигини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталаши керак.

Юқорида кўрсатилган талаблар банкротликнинг соддалаштирилган таомилини амалга ошираётган суд бошқарувчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисидан қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш шартномасини тузишни талаб қилишга ҳақли.

Суд бошқарувчиси куйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

- кредиторлар йиғилишини чақириш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кредиторлар кўмитаси чақирилишини талаб қилиш;
- олдиндан давлат божи тўламай туриб, даъво аризалари ва бошқа аризалар билан хўжалик судига мурожаат этиш;
- «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ҳақ олиш;
- ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда, агар кредиторлар билан тузилган битимда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жалб этиш;
- ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш.

Суд бошқарувчиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси:

- қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриши;
- кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;
- қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;
- хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариши;

- зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Суд бошқарувчисининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд бошқарувчиси банкротлик таомилларини ўтказаятганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб инсоф билан ва оқилона иш олиб бориши шарт.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларини ихтиёрий асосда бирлаштириб турувчи нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари суд бошқарувчиларининг касб-кор даражаси юксалтирилиши ҳамда сақлаб турилишига, уларнинг манфаатлари ҳимоя этилишига кўмаклашмоғи лозим.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари:

- суд бошқарувчиларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади ва бу дастурларни банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига тасдиқлаш учун киритади;

- ўз аъзоларининг таълимини ва касб-кор даражаси оширилишини ташкил этади;

- профессионал бирлашмага аъзо суд бошқарувчиларининг фаолиятини таҳлил қилиб боради.

Суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Суд бошқарувчиси зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ юкланган вазифаларнинг қарздорга ёки кредиторларга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарилмаганлиги ёхуд лозим даражада бажарилмаганлиги суд бошқарувчисининг ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қарздор, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Суд бошқарувчисига вазифасини бажарганлиги учун ҳақ тўлашнинг миқдори ва тартиби кредиторлар йиғилиши томонидан белгиланади, хўжалик суди томонидан тасдиқланади ҳамда агар кре-

диторлар билан тузилган битимда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилишининг қарори билан суд бошқарувчисининг фаолияти натижаларига қараб тўланадиган қўшимча ҳақ белги ланиши мумкин.

г) Васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори;

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари, уларни ҳимоя қилиш, аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялаш ётади. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш чоғида ижтимоий ҳимоя мамлакатнинг тараққий топиши, тинчлик, осойишталикни сақлашнинг асосий омилларидан саналади¹.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий таъминловчи қатлами бири ҳам аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам “кучсиз” ижтимоий қатлам вакилларининг давлат ҳимоясига олинганлигини англатади. Бундай ҳимоя нафақат иқтисодий жиҳатдан ночор шахсларга моддий ёрдам кўрсатишни назарда тутаяди, балки жисмоний ва ақлий жиҳатдан ўзининг ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган, бировнинг ёрдамисиз ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган шахсларга ҳар томонлама кўмак бериш, уларни ҳимоя қилишни ҳам қамраб олади. Шу маънода давлат органлари, маҳаллий давлат органлари ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги энг асосий вазифаларидан бири аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялаш, улар ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш ҳисобланади. Бунда турли сабабларга кўра ўз мулкни самарали бошқара олмайдиган ва ўзининг мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш имконига эга бўлмаган шахсларни ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда васийлик ва ҳомийлик органлари алоҳида ўрин тутаяди. ФКнинг 32-моддасига мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Рес-

¹ Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.док.дисс.Автореф.-Т.:2006.-16 б.

публикасида Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан васийлик ёки ҳомийлик ота-она вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, улар касал бўлганда, ота-она узок муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбиялаш, даволаш муассасалари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасадаги ўзининг боласини олишдан бош тортганда, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, шунингдек вояга етган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш мақсадида, шунингдек уларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Саломатлиги ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган, муомалага лаёқатли шахсларнинг илтимосларига биноан, уларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларга нисбатан ҳомийлик белгиланиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш:

а) 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан - халқ таълими бўлимларига;

б) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан - соғлиқни сақлаш бўлимларига;

в) соғлиғи ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан- ижтимоий таъминот бўлимларига юкланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшайдиган, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқароларига ва соғлиғи туфайли ўз ҳуқуқини мустақил равишда амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятини бажара олмайдиган Ўзбекистон Республикасининг вояга етган фуқароларига нисбатан васийлик ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари зиммасига юкланади.

Васийлик ва ҳомийлик органларидан ташқари бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш бўйича фаолият юритишига йўл кўйилмайди.

Васий ва ҳомийнинг асосий вазифаси васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилишдан, васийликка олинувчининг манфаатларини қўриқлашдан иборат бўлади¹. Л.Ю.Михеева таъкидлаганидек, васийликка олинувчининг шахси ва мулки юзасидан ғамхўрлик қилиш вазифасини битта шахс (васий ёки ҳомий) бажариши мумкин. У бу соҳада тегишли имкониятга эга бўлиб, нафақат бола тарбияси билан, балки унинг сармояси ўсиши билан ҳам шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, васийлик остидаги шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаслиги мумкин, бунда эса уни қўриқлаш билан боғлиқ муаммо ҳам бўлмайди².

Дарҳақиқат, васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахснинг мол-мулки бўлмаса васий ёки ҳомий учун унинг мол-мулкини қўриқлаш вазифаси мавжуд бўлмайди. Бироқ ҳозирги кунда амалиётда вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз шахсларга мулк ҳуқуқи асосида кўчмас мол-мулклар (ворислик, хусусийлаштириш ва бошқа асосларда олинган), турли тижорат ташкилотларига қўшилган ҳиссалар, қимматли қоғозлар тегишлилиги ҳолати кўплаб учрамоқда. Бу эса ўз навбатида вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз шахслар мол-мулкини бошқаришнинг янги усулини вужудга келишини тақозо эта бошлади. 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилган ФК эса бу муаммони ечишда айни муддао бўлди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, собиқ Иттифоқ даврида фуқаролар мол-мулки фақатгина шахсий мулк бўлиши мумкинлиги ва хусусий мулкчиликнинг тақиқланиши, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахсларга ҳам алоҳида бошқаришни талаб этадиган мол-мулклар мавжуд бўлмаслигини таъминлар, бу эса ўз навбатида улар мулкини бошқариш билан боғлиқ муаммони ҳам вужудга келтирмас эди. Бироқ, бозор муносабатлари шароитида фуқароларга берилган кенг имкониятлар ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши натижасида йирик кўчмас мол-мулклар, қимматли қоғозлар ва турли мулквий ҳуқуқларнинг фуқароларга тегишли бўлиши ҳамда уларнинг мерос тариқасида вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз шахсларга мулк бўлиб ўтиши васийлик ва ҳомийлик ости-

¹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи.: Дарслик. I қисм.-Т.:2006.Т.ДЮИ.-90 б.

² Михеева Л.Ю. Доверительное управление в деятельности органов опеки и попечительства. Учебно-практическое пособие. -Барнаул, 1998.-С.133-134.

даги шахслар мол-мулкни ишончли бошқариш институтини вужудга келтирди.

Шу муносабат билан васийлик ва ҳомийлик органлари нафақат вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсизларнинг шахси тўғрисида, балки унинг мол-мулки тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишлари лозим. Бунинг учун эса шахсга нафақат васий ёки ҳомий, балки унга тегишли бўлган мол-мулкни бошқарувчи шахс ҳам тайинланиши лозим. Масалан, руҳий хасталиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқарога мулк ҳуқуқи асосида маиший тусдаги қиматбаҳо нарсалар билан бирга, турар-жой, ноёб китобларга ва материалларга эга кутубхона, бошқа кўчар ва кўчмас мол-мулклар тегишли. Бу мол-мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқи унга турли қонуний асосларда, шу жумладан, ворислик асосида ўтган. Бундай фуқаронинг тақдири васийлик органи (соғлиқни сақлаш бўлими) томонидан турлича ҳал қилиниши мумкин. Биринчи навбатда бундай фуқаро руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилиши ёки унга васий тайинланиши лозим.

Васийликдаги шахснинг мол-мулки эса бошқарувга муҳтож. Бироқ, шифохона ёки бошқа даволаш муассасалари мол-мулкни бошқара олмайди, чунки улар бошқа мақсадлар учун ташкил этилган ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қандай васий ҳам мол-мулкни бошқара олиш имконияти ва ҳобилиятига эга бўлмаслиги мумкин (масалан, қиматбаҳо қоғозлар, корхона ёки завод, ер участкасидан фойдаланиш). Бундан ташқари мол-мулкни қўриқлаш васийнинг васийликдаги шахсга ажратиши лозим бўлган вақтини олиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда васийлик ва ҳомийлик органи ФКнинг 32-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, васийлик ва ҳомийлик органи ишончли бошқарувчи топиши ва у билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиши лозим.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар мол-мулкни бошқариш учун ишончли бошқариш шартномаси тузиши лозимлиги Оила кодексининг 183-моддаси талабларидан ҳам келиб чиқади. Мазкур моддага мувофиқ, васийлик ёки ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш

ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари ФКнинг 49-боби (мол-мулкни ишончли бошқариш) да белгиланган ва ишончли бошқарувчи билан васийлик ёки ҳомийлик органи ўртасида тузиладиган «Васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни ишончли бошқариш» шартномаси асосида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси асосида васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг мол-мулкни ишончли бошқаришга бериш ҳолатлари деярли кўзга ташланмайди. Биринчи навбатда бу васийлик ва ҳомийлик органларида мазкур соҳадаги билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги билан изоҳланса, иккинчидан, ҳозирга қадар фуқаролик муомаласида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг кенг қўлланилмаслиги билан белгиланади. Бу эса қўпчилик вазиятларда васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мулкий манфаатлари етарлича ҳимоя қилинмаётганлигига, уларга тегишли мол-мулкни самарали бошқариш ва мол-мулкни сезиларли даражада қўпаймаслигига олиб келмоқда.

Фикримизча, ҳозирги кунда васийлик ва ҳомийликдаги шахслар мол-мулкни ишончли бошқаришга беришнинг шартномавий тартибини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, бунда васийлик ва ҳомийлик органларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим. Шу билан бирга, ФКга ва «Ўзбекистон Республикасида Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомга «васийлик ва ҳомийликдаги шахс мол-мулкни бошқаришнинг шартномавий тартиби» номли банд киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, бу банд қуйидаги мазмунда ифодаланиши лозим:

- васийлик ва ҳомийлик органи васийлик ва ҳомийликдаги шахс мол-мулкни бошқаришни тайинланган васий ёки ҳомий бевосита амалга ошириш имконига эга бўлмаган ҳолларда, бундай мол-мулкни бошқариш учун учинчи шахслар билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тузиши лозим. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш ва бажариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари давлат ҳокимияти органлари бўлиб, васийлик ва ҳомийликдаги шахс мол-мулкни ишончли

бошқариш муассиси сифатида ушбу мол-мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, ундан олинадиган фойдани тақсимлаш ваколатига эга эмаслар. Бу органлар фақатгина мол-мулк миқдорини кўпайтириш чораларини кўриши ва бу ҳолатни назорат қилишлари лозим бўлади. Бу эса бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий ҳимоясининг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлади.

д) Қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар асосида мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келишига суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкига ва нотариуслар томонидан вафот этган шахснинг мол-мулкига ишончли бошқарувчининг тайинланиши мисол бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг турли юридик фактлар асосида вужудга келиш ҳолатлари 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодексида ҳам бор эди. Бироқ, илгариги Кодексида суд бедарак йўқолган фуқаронинг мол-мулкига қараб туриш учун васий тайинлар эди. Зеро, хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги мол-мулкни ишончли бошқаришга эҳтиёжни вужудга келтирмас эди.

Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг ривожланиши ва хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилиши натижасида фуқаролар йирик корхона ва заводларнинг, турли хилдаги қимматли қоғозларнинг мулкдори ҳисобланадилар. Бунда фуқаро бедарак йўқолган деб топилган тақдирда унга тегишли мол-мулкни бошқариш одатдаги васийлик институти орқали амалга оширилиши мумкин бўлмайди ва бу ҳолатда суд фуқарони бедарак йўқолган деб топиб, унинг мол-мулкига ишончли бошқарувчи тайинлайди. ФКнинг 34-моддасига мувофиқ, бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур бўлса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади.

Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқиши керак бўлган фуқароларга таъминот берилади, унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар бўйича қарзлари тўланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 54-моддасига мувофиқ, мерос таркибиде бошқаришни талаб этадиган мол-мулк бўлса, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб ол-

гунга қадар даъво қўзғатган ҳолларда нотариус мерос бошқарувчисини тайинлайди. Давлат нотариал идораси бўлмаган жойларда фуқароларнинг тегишли ўзини ўзи бошқариш органи юқорида кўрсатилган ҳолларда мерос мол-мулк устидан мерос бошқарувчисини тайинлайди.

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар мерос мол-мулкни талон-торож қилганлик, бошқа шахсга берганлик ёки яширганлик учун ва меросхўрларга зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақлидирлар. Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур харажатлари ҳам қопланади, бунда мол-мулкдан фойдаланиш ҳисобига амалда олинган фойда чегириб ташланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ишончли бошқарувни вужудга келиш асослари сифатида давлатга тегишли акция пакетларини ишончли бошқаришга беришни кўрсатиб ўтиш мумкин. «Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида»¹ги Низом¹га мувофиқ, давлат активлари ишончли бошқарувчиларга:

- ваколатли орган томонидан берилган тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларга - профессионал бошқарувчи компанияларга ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда - давлат ва хўжалик бошқаруви органларига;

- қонунда белгиланган тартибда тайинланган, менежмент ва маркетинг соҳасида зарур касб кўникмаси ва иш тажрибасига эга бўлган жисмоний шахсларга - давлатнинг ишончли вакилларига ишончли бошқарувга берилиши мумкин.

Давлат активларини профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга бериш танлов асосида амалга оширилади. Танловларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

Давлат активларини ишончли бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган шартнома билан ишончли бошқарувга берилди. Ишончли бошқарувчи - юридик шахс хўжалик жамиятида давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.2006.№42.417-модда

активларини бошқариш бўйича ўзининг ваколатли вакилини тайинлайди.

Ишончли бошқариш шартномаси уни узайтириш имконияти билан бирга, бир йил муддатга тузилади ва қуйидагиларни назарда тутиши керак:

- томонларнинг номи;
- шартнома мавзуси, давлат активлари рўйхати ва тавсифи;
- шартноманинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш имконияти;
- давлатга тегишли акциялар пакетларини бериш тартиби;
- томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- ишончли бошқарувчилар томонидан ҳисоботлар тақдим этилиши муддатлари;
- ишончли бошқарувга берилган акцияларни бегоналаштириш шартлари;
- ишончли бошқарувчини тақдирлаш миқдори ва шакли;
- ишончли бошқарув тўхтатилган тақдирда давлат активларини оладиган шахс;
- томонларнинг жавобгарлиги;
- шартнома амал қилишини тўхтатиш учун асослар ва шартлар;
- бошқарувчи компания фаолиятига қўйиладиган чеклашлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

Ишончли бошқарувчига - юридик шахсга ишончли бошқарувга берилган давлат активлари қиймати номинал қиймати бўйича унинг балансдан ташқари ҳисобрақамларида ҳисобга олинади. Давлат мулк қўмитаси эса, давлатга тегишли акциялар пакетлари ишончли бошқарувга берилишига шартнома тузилган кундан бошлаб 3 иш кундан кечикмай бу ҳақда Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини хабардор қилиши керак.

Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийси уч кун муддатда:

- ишончли бошқарувга берилган давлатга тегишли акциялар пакетлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг “депо” ҳисобрақамида ишончли бошқариш ҳуқуқини олган шахснинг субҳисоб рақамига ўтказилишини;
- унинг ишончли бошқарув ҳуқуқини олган шахс томонидан та-сарруф этилиши имкониятини истисно этадиган кўрсатиб ўтилган акциялар пакетларини блокировка қилишни амалга оширади.

Ишончли бошқарувга берилган давлатга тегишли акциялар пакетларини сақлаш ва уларнинг “депо” ҳисобрақамига ўтказилиши бўйича Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарий хизматларига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлардан ҳақ тўланади.

Давлат активларини ишончли бошқарувчи (агар юридик шахс унинг вакили бўлса) хўжалик жамияти кузатув кенгашининг аъзоси ҳисобланади (агар кузатув кенгашини ташкил этиш қонун ҳужжатларида ёки уставда назарда тутилган бўлса), хўжалик жамияти қатнашчиларининг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

Ишончли бошқарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва тузилган ишончли бошқарув шартномаси шартларига мувофиқ ишончли бошқарувга олинган давлат активларига нисбатан барча юридик ва амалий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, бегоналаштириш ва ундан гаров сифатида фойдаланиш бундан мустасно;

- тузилган шартнома шартларига ва унга ишончли бошқарувга берилган давлат активлари миқдорига мувофиқ кузатув кенгаши аъзоси ва жамият қатнашчиси сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш;

- шартнома шартларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдирланиш.

Ишончли бошқарувчи хўжалик жамиятининг ижро этувчи органи томонидан амалга ошириладиган жорий фаолиятга аралашишга ҳақли эмас.

Ишончли бошқарувчи қуйидагиларга мажбур:

- давлат активларининг ишончли бошқаруви шартномаси бўйича фойда олувчи ҳисобланган давлатнинг манфаатларини ифодалаш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойда ҳажмини кўпайтириш ва уни тақсимлашда давлатнинг манфаатларига риоя қилиш мақсадида давлат активлари миқдори билан бериладиган ҳуқуқлар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга йўналтирилган ягона стратегияни амалга ошириш ва барча даражалардаги бюджетлар олдида, иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш

бўйича унинг томонидан бошқарилаётган корхонанинг қарздорлиги пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

- ижро этувчи органнинг фаолияти, унинг томонидан бизнес-режа бажарилиши, жамиятнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат активлари бўйича ҳисобланган дивидендларни бюджетга ўз вақтида тўлаш устидан зарур даражада назорат қилишни таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

- хўжалик жамияти бошқаруви органларига ёки судга мурожаат қилиш йўли билан давлат активларига нисбатан давлатнинг манфаатлари (ҳуқуқлари) бузилиши бартараф этилишини талаб қилиш, давлат манфаатлари бузилишини бартараф этишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ракобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун замонавий технология асбоб-ускуналари ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

- бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар, иш ҳақи бўйича хўжалик жамияти қарздор бўлганда ҳамда корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашган тақдирда жамиятнинг ижро этувчи органини қайта сайлаш мақсадида қатнашчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

- давлат активларини ҳеч бир шаклда бегоналаштирмаслик, бошқа шахсларнинг мажбуриятларини бириктирмаслик ва улардан гаров сифатида фойдаланмаслик;

- акциядорлар (муассислар)нинг умумий йиғилиши қарори бўйича реконструкция қилишга, техника билан қайта жиҳозлашга, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтирилган соф фойданинг бир қисмидан мақсадли фойдаланиш устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

- жамият муассиси (қатнашчиси) бўлган юридик шахсларнинг устав фондларида қатнашиш (таъсис этиш), уларни тугатиш, қайта ташкил этиш бўйича жамиятнинг ниятлари, шунингдек жамиятнинг молия-хўжалик ҳолати, бошланиши жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини ёмонлаштириши ва давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган воқеалар тўғрисида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

- Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган топшириқлари ва кўрсатмаларини бажариш;

- жамиятнинг кузатув кенгаши ва қатнашчиларнинг умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун киритиладиган масалалар бўйича қонунда белгиланган тартибда овоз бериш сиёсатини Давлат мулки қўмитаси билан келишиш;

- унга ишончли бошқарувга берилган акциялар пакетлари бегоналаштирилиши тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг билдириш-номаси олинганда икки иш куни мобайнида уни Давлат мулки қўмитасининг “депо” ҳисоб рақамига ўтказиш;

- қайта ташкил этиш кунда ўзининг қайта ташкил этилиши факти тўғрисида Давлат мулки қўмитасини хабардор қилиш;

- Давлат мулки қўмитаси ҳуқуқий ворис билан ишончли бошқарув шартномасини тузишни рад этган тақдирда давлатга тегишли акциялар пакети икки кун муддатда Давлат мулки қўмитасига қайтарилиши керак;

- зиммасига юкланган ваколатларни амалга ошириш чоғида унга маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик ва улардан давлат манфаатларига зид бўлган мақсадларда фойдалан-маслик;

- ҳар чоракда Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда Давлат мулки қўмитасига ҳисобот тақдим этиш.

3. Ишончли бошқарувга берилган мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби

Умумий қоидага кўра, мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш бево-сита мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан амалга оширилади. Одатда, мулкдор ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга оширганда ўз манфаатлари ва хоҳишидан келиб чиқади.

ФКнинг 164-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бу-зишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. О. Оқюловнинг фикрича, ФКнинг 164-моддасида мулкдор ўз ваколат-ларини ўз хоҳишига кўра амалга ошириши кўрсатилади. Мулкдор ва-колатларини амалга оширишда мотивация (сабаблантириш) мулк ҳу-қуқи субъектида хоҳиш, истакни келтириб чиқаради. Демак, мулк-

дорни ўз манфаатини англаб етиши унда хоҳишни вужудга келтиради ва у томонидан муайян мақсадли ҳаракатлар содир этиш, ваколатларни амалга ошириш бошланади. Ҳар қандай субъект, ҳатто импульсив (беихтиёр) ҳаракатлар содир этадиган фуқарода ҳам, агар бу ҳаракатлар мулкдор сифатидаги ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, жараёнлар юқоридаги кетма-кетликда (манфаатни англаш - хоҳишни вужудга келтириш - ҳаракатлар содир этиш) содир бўлади¹.

Одатда, мулккий ҳуқуқларни амалга ошириш муайян қоидалар ва шартларга асосланади. ФКнинг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса - иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Мазкур нормада белгиланган қоидалар мулкдорнинг мулк ҳуқуқларини унинг топшириғига кўра амалга оширувчи ишончли бошқарувчининг фаолиятига ҳам тааллуқли бўлиб, ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси асосида мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш элементларини амалга оширар экан², биринчи навбатда ФКнинг 9-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ўзининг шартнома юзасидан амалий ва юридик ҳаракатларини амалга оширади.

¹ Раҳмонқулов Х. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқи мақоми. - Т.: 2007. - 26-27 б.

² Азизов Х.Т. Объекты права частной собственности граждан. Автореф. дисс... к.ю.н. - Т.: 1994. - 13 с.

Ишончли бошқарувчининг мулкдорнинг мулккий ҳуқуқларини амалга оширишга нисбатан ФКнинг 172-моддасида ҳам махсус қоидалар белгиланган бўлиб, унга кўра, ишончли бошқарувчи “мулкдор” сифатида қуйидаги шартларга риоя қилиши лозим бўлади:

- мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт;

- қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур;

- мулкдор ўзининг устунлик мавқеини сунистьемол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

- мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мол-мулк ишончли бошқариш шартномаси асосида ишончли бошқарувчига берилгач, у мулкдорнинг «мулкдорлик мажбуриятлари»га амал қилиши керак. Биринчи навбатда у ўзига ишончли бошқариш учун топширилган мол-мулкдан ўзга шахсларнинг чекланган тарзда фойдаланишига рухсат беришга ҳам мажбурдир. Бунда, одатда, бино ва иншоот билан бирга ер участкаси ҳам ишончли бошқарувга берилганда ишончли бошқариш ўзга шахсларнинг сервитут ҳуқуқидан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслиги лозим бўлади.

ФКнинг 173-моддасига мувофиқ, кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса - бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминлашни мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.

Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасини ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келиша олинмаса ёки унинг шартларида муросага келинмаса, баҳс сервитут белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъво-си бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Участка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилган ёки доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан берилган шахснинг манфаатлари ва талаби бўйича ҳам ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган шартларда ва тартибда сервитут белгиланиши мумкин.

Сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун муносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасига кўра ишончли бошқарувчининг мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби ФКнинг 849-моддаси 3-қисмида белгиланган. Биринчи навбатда ишончли бошқарувчи, мол-мулк ўзига ишончли бошқариш учун топширилгач, у бу мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқлар: эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга ошираётган экан, муайян юридик ва амалий ҳаракатлар қилиши лозим бўлади. Бунда юридик ҳаракатлар жумласига мол-мулкни муассис ва наф олувчи манфаатларини кўзлаб тузилган шартнома ва битимлар, мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг бузилишини бартараф этишни талаб қилишга қаратилган ҳуқуқий чоралар (виндикацион даъво, нега-тор даъво, мулкни тан олиш даъвоси) ва шу қабилар кирса, амалий ҳаракатлар жумласига мулкни хавфсизлигини таъминлаш¹, мулкка етказилган зарарни ундириш, мол-мулкни тасодифан нобуд бўлиш хавфини олдини олиш (мол-мулкни суғурталаш) киради.

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Яъни, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан тузилган битимлар айнан ишончли бошқарувчи номидан тузилмайди, лекин битимда уни амалга оширувчи ва ишончли бошқаришга берил-

¹ Рузиназаров Ш. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари (танланган ва тезислар)-Т.:2007.-126 б.

ган мол-мулк юзасидан олинган мажбуриятларни бажарувчи сифатида ишончли бошқарувчи кўрсатилади. Ишончли бошқарувчи битимда ўзининг ана шундай бошқарувчи эканлигини кўрсатиши битим юзасидан амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни ишончли бошқарувчи зиммасига юкланганлигидан далолат беради.

Масалан, “Файз” фирмаси А.Асроровга ишончли бошқаришга берилган бўлса, ишончли бошқарувчи А.Асроров битимни “Файз” фирмаси номидан тузади. Лекин, битимда ўзининг ишончли бошқарувчи эканлигини ва битим юзасидан “Файз” фирмасининг номидан у ҳаракат қилишини кўрсатиб ўтади.

Ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади.

Маълумки, фуқаролик муомаласида, тадбиркорлик фаолиятида барча ҳаракатлар ҳам ёзма равишда амалга оширилавермайди. Бундай вазиятларда ишончли бошқарувчининг ишончли бошқарувга берилган мол-мулк юзасидан ҳаракат қилишига нисбатан қонун қуйидаги икки шартни белгилайди:

- иккинчи тараф – контрагентни ишончли бошқарувчи, унинг исми-шарифи ва ким эканлиги хусусида олдиндан огоҳлантириб қўйиш;

- ишончли бошқарувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда унинг ишончли бошқарувчи эканлиги ҳақидаги белгининг мавжудлиги.

Мазкур шартларга риоя қилинган ҳолда ишончли бошқарувчи томонидан мулкдорнинг мулкий манфаатларини амалга оширишга қаратилган барча ҳаракатлар қонуний ҳисобланади.

Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк билан жавоб беради.

Муассис мулкдорнинг мулкий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган юридик ҳаракатлар жумласига ишончли бошқарувчининг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлари ҳам киради.

Ишончли бошқарувчи томонидан ишончли бошқаришга берилган мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга оширишга

қаратилган амалий ҳаракатлар мол-мулкнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уни сақлаш ҳисобланади. Бунда ишончли бошқарувчи ФКнинг 13-моддаси талабларидан келиб чиқиб, мулк ҳуқуқини мулкдорнинг ўзи ҳимоя қилиш усули орқали ҳимоя қилади. Яъни, бунда ишончли бошқарувчининг ўзига ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Масалан, учинчи шахс ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкни асоссиз равишда олиб кетаётган бўлса (жинойй-ҳуқуқий ҳаракат ҳисобланмаган ҳолатларда), ишончли бошқарувчи фақатгина мол-мулкни ундан олиб қўйишга ҳақли бўлади. Унга нисбатан тазйик ўтказишга ёки ундан қўшимча мулк талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

ФКнинг 174-моддасига мувофиқ, ишончли бошқарувчи ўзига бошқариш учун топширилган мол-мулкни сақлаши лозим бўлади. Бундай сақлашни амалга ошириш, одатда, мол-мулкка етарли даражада эътиборли бўлиш, унинг бузилишга олиб келиши мумкин бўлган ташқи таъсирлар (масалан, қуёш нури, ёмғир, қор, шамол ва шу кабилар) ни олдини олиш чораларини кўриш ва шу каби амалий ҳаракатларни бажаришда намоён бўлади.

Шу билан бирга, ишончли бошқарувчи ишончли бошқаришга берилган мол-мулкни шу мол-мулк ҳисобидан суғурталаши лозим. Бундай суғурта ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг тўлиқ қийматини қоплаши керак. Бунда ишончли бошқарувчи - суғурта қилдирувчи сифатида ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи) ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт.

Суғурта шартномаси (полиси) нинг стандарт шаклида, суғурта қилдирувчига берилган суғурта қоидаларида ёки ёзма сўровда суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қандайдир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб, кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишуви-га кўра аниқладаниган, суғурта манфаати билан боғланганиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно¹.

Ишончли бошқарувга берилган мол-мулк тўлиқ бўлмаган мулк-ий суғурталашга йўл қўйилмайди. Бирок, ишончли бошқаришга берилган мол-мулкнинг ҳажми, миқдори ва қийматидан келиб чиқиб, қўшимча мулк-ий суғурта, қўшалок суғурта, биргаликда суғурта қилиш мумкин.

ФКнинг 855-моддасига мувофиқ, ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк бошқарув муассисининг бошқа мол-мулкдан, шунингдек ишончли бошқарувчининг мол-мулкдан ажратилади. Ушбу мол-мулк ишончли бошқарувчида алоҳида балансда акс эттирилади ва у бўйича мустақил ҳисоб юритилади. Ишончли бошқарув билан боғлиқ фаолият бўйича ҳисоб-китоб юритиш учун алоҳида банк ҳисобварағи очилади.

Ишончли бошқарувчи ўзи амалга оширган мулк-ий ҳуқуқлар юзасидан айнан мана шу баланс ва ҳисобракам асосида бошқарув муассисига вақти-вақти билан ҳисобот топшириб туриши керак. Ишончли бошқарувга берилган мол-мулкнинг алоҳида балансга ўтказилиши ва у бўйича ҳисоб-китоблар учун алоҳида банк ҳисобварағи очилиши биринчи навбатда ишончли бошқарувчига тегишли мол-мулкнинг ишончли бошқарувдаги мол-мулк билан аралашиб кетиши ва келгусида бу ҳолат бошқарув муассиси ва фойда олувчининг манфаатлари-га путур етказмаслиги учун қилинади. Зеро, келгусида муассис ва фойда олувчининг ишончли бошқарувдаги мол-мулк ҳисобидан қанча даромад кўрганлиги ҳам алоҳида тартибда ҳисобланиши керак.

Бошқарув муассисининг қарзлари бўйича ундирувни у ишончли бошқаришга топширган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди, ушбу шахс ночор (банкрот) бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бошқарув муассиси банкрот бўлганида, ушбу мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади ва у кимосиди савдосига қўйилган мол-мулкка қўшиб юборилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Т.:Ўзбекистон.1996.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. №42.417-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006. №42.417-модда
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги 110-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Қарори.
6. А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. -М.: 1996. -548 с.;
7. Абдуллаева Н.Н. Суғурта ҳуқуқи. -Т.: ЖИДУ.2006. -140 б.
8. Азизов Х.Т. Объектў права частной собственности граждан.Автореф.дисс...к.ю.н.-Т.:1994.-13 с.
9. Анисимова Т.В. Договор доверительного управления ценными бумагами.//Юрист.2001.№12.-С.29-33.
10. Анисимова Т.В. К вопросу о возможности доверительного управления ценными бумагами.//Юрист.2001.№9.-С.47-49.
11. Ахмаджонов Б. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши тамойили.//Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. 2005. -265 б.
12. Баратов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик – ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.номз....дисс.автореф. -Т.: 2005. -12 б.
13. Вестник Банка России, 1997, №43, с.25.
14. Витрянский В. «Доверительное управление» денежными средствами.//Хозяйство и право.2001.№12.-С.26.
15. Витрянский В. Особенности доверительного управления ценными бумагами.//Хозяйство и право.2001.№11.-С.48-64.
16. Витрянский В.В. Договор доверительного управления имуществом.-М.:2001.-149 с.

17. Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки. // Хозяйство и право. 2001. №10. - С.35.
18. Гражданское и торговое право капиталистических стран. / Под. ред. В. П. Мозолина, М. И. Кулагина. - М.: 1980. С.140.
19. Гражданское и торговое право капиталистических государств. / Под. ред. Е. А. Васильева. - М.: 1993. С.235-236.
20. Гражданское право. Т.1. / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. - М.: Проспект. 2003. - 325 с.
21. Гражданское право. Т.2. / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. - М.: Проспект. 1997. - 683 с.
22. Гражданское право: Учебник. В 2-х т. Т. П. Полутом 2. / Отв. ред. Е. А. Суханов. - М. 2000. с. 123.
23. Гулямов С. Деньги, валюта и валютные ценности как объекты гражданских прав // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. - Б. 26-31.
24. Гулямов С. Теоретические и практические аспекты правовой классификации материальных благ // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №2. - Б. 9-17.
25. Дозорцев В. А. Доверительное управление имуществом (глава 53). - В кн.: Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель. / Под. ред. О. М. Козырь,
26. Ершов Ю. Л. Принцип свободы договора и его реализация в гражданском праве РФ: Автореф. дисс... к. ю. н. - Екатеринбург, 2001. - 12 с.
27. Жариков В. В. Предприятие как объект договора доверительного управления имуществом: проблемы доктрины и законодательства. // Юрист. 2004. №5. - С. 22.
28. Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида. // Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ. 2005. - 252 б.;
29. Зокиров И. Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дасрлик. I қисм. - Т.: 2006. ТДЮИ. - 47 б.; Гражданское право: Учебник. Ч. 2. / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. - М.: 2003. - 90 с.
30. Зокиров И. Б. Фуқаролик ҳуқуқининг тизими ҳақида айрим мулоҳазалар. // «Фуқаролик ҳуқуқининг тизими ҳақида айрим

мулоҳазалар» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари гўшлами.-Т.:2007.-11 б.

31. Иншев А.П. Доверительное управление денежными средствами.//Юрист.2000.№12.-С.41.

32. Иоффе О.С. Структурные подразделения системы права (на материалах гражданского права)//Ученые записки ВНИИСЗ. 1968.№14.-С.51.

33. Книпер Р. Назначение гражданского права: защита субъективных прав или инструмент товарооборота?// Актуальные проблемы и тенденции развития гражданского законодательства. Материалы международной научно-практической конференции. -Т.: 2005. -104 с.

34. Коваленко Е.Ю. Правовое обеспечение расчетных отношений в предпринимательской сфере. Автореф.дисс...к.ю.н.-Алматы, 2002. -11 с.

35. Колосов Д.Ю. Договор доверительного управления имуществом в российском гражданском праве. Автореф.дисс...к.ю.н.-М.: 2005.

36. Коммерческое право зарубежных стран./Под.ред.И.Бушев.- Санкт-Петербург, 2005.220 с.

37. Курьони Карим. 4-сура, 5-6 оятлар.

38. Ласк Г. Гражданское право США.-М.: -1961.С.152.

39. Маркалова Н.Г. Договор доверительного управления в современном гражданском и банковском законодательстве.//Журнал российского права.1998.№12.-С.79.

40. Масевич М.Г., Чечуева С.М. Продажа предприятия.//Дело и право.1996.№7.-С.33.

41. Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф.дисс...к.ю.н.-Т.:2004.-10 с.

42. Михеева Л.Ю. Доверительное управление имуществом./ Под.ред.В.М.Черного.-М.:1999.-71 с.

43. Мостов Г.С. Особенности приобретения и прекращения права собственности на недвижимое имущество. //Юрист.2002.№10.-С.21.

44. Мухамедов Р. Мерос ҳуқуқи.-Т.:1998. -22 б.

45. Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. Юрид.фан. номз. дисс... Автореф.-Т.:2006.-11-12 б.

46. Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари.- Юрид.фан.номз....дисс.автореф.-Т.: 2007.-11 б.

47. Нарышкина Р.Л. Доверительная собственность в Англии и США.-М.:1965.-26 с.

48. Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. -Т.: Ғ.Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.2006.-69 б.

49. Новоселова Л.А. Проблемы гражданско-правовой регуляции расчетных отношений. Автореф. дисс...д.ю.н.-М.:1997.-15 с.

50. Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2004. -154 б.

51. Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом.//Юрист.2005..№2.-С.26.

52. Пьяных Е.С. Сущность и социальная значимость доверительного управления имуществом, возникающего по основаниям, предусмотренным законом.//Юрист.2006.№1.-С.10.

53. Рабинович А. Владельцы и собственники: кому предоставляется льгота по доходам по государственным ценным бумагам при доверительном управлении и совместной деятельности?//Хозяйство и право. 2000. №2. -С.76-79.

54. Раҳимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. Юрид.фан.номз....дисс.автореф. -Т.:2001.-16 б.

55. Раҳмонқулов Ҳ. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқи мақоми.-Т.:2007.-140 б.

56. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2005. -245 б.

57. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. -М.: 2001. -432 с.

58. Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. -Автореф.дисс...д.ю.н. -Т.: 2002.-31 с.

59. Рўзиназаров Ш. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик асослари (танланган ва тезислар)-Т.:2007.-126 б.

60. Саидгазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. -Т.: ТДЮИ. 2005. -19 б.; Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши.-Т.: ТДЮИ. 2004. -14 б.

61. Собрание законодательства РФ, 1996, №6, ст.492
62. Суханов Е.А. Посреднические и кредитно-финансовые сделки в Гражданском кодексе РФ.-М.:1996.-С.29.;
63. Табашников В.Н. Предприятие как объект гражданских прав.//Законодательство.1998.№9. -С.10.
64. Танага - Принцип свободы договора в гражданском праве России. -М.: Юридический центр Пресс.2003.-32 с.;
65. Топилдиев В.Р. Юридик шахсларни ташкил этиш бўйича таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. Юрид. фан. номз.дисс.....Автореф. -Т.: 2005. -9 с.
66. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права. Автореф.дисс...к.ю.н.-Т.:2004.-18-19 с.
67. Усманова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. док.дисс. Автореф.-Т.:2006.-16 б.
68. Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара. -Т.: ТДЮИ. 2005. -44 б.
69. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. /Ҳ.Раҳмонқулов ва И.Зокировнинг умумий таҳрири остида. -Т.: Адолат. 1999.-113 б.
70. Шевченко Г.Н. Документарные и бездокументарные ценные бумаги в современном гражданском праве.//Журнал российского права. 2004. №9. -С.35.
71. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. -Т.: ТДЮИ. 2004. -32 б.

Мундарижа

Кириш	3
1. Мол-мулкни ишончли бошқаришни вужудга келиш асосларининг умумий тавсифи.....	5
2. Мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асослари	23
а) мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси;	23
б) васиятнинг ижрочиси (ишончли бошқарувчи) тайинланган васиятнома;.....	48
в) суднинг қарори;	50
г) васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарори;	53
д) қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар	58
3. Ишончли бошқарувга берилган мол-мулкка нисбатан мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70

ТОПИЛДИЕВ БАХРОМЖОН

**МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ
БОШҚАРИШНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШ АСОСЛАРИ**

Мухаррир: Н.Бекмурадов
Техник муҳаррир: А.Боймаматов
Компьютерда саҳифаловчи: Н.Тошбаева

Босишга рухсат этилди 15.10.2007й. Бичими 60x84 ^{1/8}
Шартли босма табағи 4,75. Нусхаси 100 дونا. Буюртма № 107.
ТАҚИ босмаҳонасида чоп этилди,
Тошкент ш. Навоий кўчаси, 13.

